

# Xabar

51

(952)-son

17-dekabr

www.xabar.uz  
info@xabar.uz  
xabar@uzpak.uz

2010

О'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

## CDMA-450 стандарти

юртимизда кенг қўлланилиш

босқичлари

CDMA (Code Division Multiple Access) - каналларни кодлар орқали ажратувчи рақамли алоқа технологияси.

Даставвал CDMA технологияси АКШ мулофаз кучлари учун ишлаб чиқарилган ва шу соҳада қўлланилган эди. Шундан сўнг Qualcomm компанияси ушбу технология замирида CDMA - cdmaOne - деб номланувчи биринчи стандартни жорий қилди. CDMA технологияси ўзининг ривожланиш босқичига IMT-MS-450 (CDMA-450) стандартида эга бўлди.

Энди ўз-ўзидан савол туғилади: нега айнан CDMA-450, "450" сони нимани билдиради? Ахир, бошқа уяли алоқа стандартларида бу кўринишдаги рақамлар учрамайди-ку?!

5-бет



### НОГИРОН ЎҚУВЧИЛАРГА КОМПЮТЕРЛАР

“Баркамол авлод йили Давлат дастури” доирасида Марғилон шаҳридаги имконияти чекланган ва уйда ўқитишга жалб қилинган 5-9 синфларнинг 8 нафар ўқувчиси замонавий компьютерлар билан таъминланди.

Янги йил арафасида Марғилонда тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бўлими, Давлат солиқ инспекцияси, кадастр бўлими, транспорт бўлими, ветеринария бўлими, молия бўлими, тиббиёт бирлашмаси, халқ таълими бўлими каби ҳомийлар томонидан шаҳардаги бир неча мактабларда таълим олаётган ўнга яқин ўқувчиларга сўнгги русумдаги компьютерлар ҳада этилди. Уларга компьютер билан мулоқотда бўлишлари учун алоҳида операторлар бirkитирилди.

Кўрсатилган гамхўрлик учун ота-оналар ҳомий ташкилотларга миннатдорчилик изҳор этдилар.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

### Сўнгги янгилик!

Жорий йил 14 декабрига келиб “UZ” домен ҳудудида мавжуд иккинчи даражали домен номлари сони 11 минггадан ошди.

Эслатиб ўтиш керакки, ўн мингинчи домен номи 2010 йил 25 февралда рўйхатга олинган.

Шундай қилиб, статистикага кўра, йил бошидан буён домен номлари ўсиши 1354тани ёки 14,1 фоизни ташкил этди. Йил мобайнида “UZ” домен ҳудудида жами 4279та янги домен номи рўйхатга олинган.

ccitld.uz

### Ушбу сонда:

- Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши 2
- Вируслар таҳдиди 4
- Информационные технологии Узбекистана представлены в Азербайджане 6
- Мақсад — сифатли хизмат 13
- Иқбол Америкада бўлди 14

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

UzNet  
Internet Service Provider

сифат рамзидир

# Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 10 декабр куни Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) коллектив хавфсизлик кенгашининг мажлисида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Банклар ассоциациясида Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимидаги ислохотларни давом эттириш ва унинг барқарорлигини ошириш ҳамда юксак халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ташкил этилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти” мавзудаги медиа-маҳсулотлар III миллий фестивали бўлиб ўтди.

Фарғона шаҳрида одам савдосига бағишланган семинар ўтказилди. Унда одам савдосига қарши курашишда барча ваколатли идораларнинг куч ва имкониятларини бирлаштириш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини янада кучайтириш долзарб аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида ҳакамлик судлари фаолиятига оид қонунчиликни янада такомиллаштиришга бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори ва Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази томонидан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тошкент давлат иқтисодий университетиде барқарор тарққийёт омилларига бағишланган икки кунлик халқаро анжуман бўлиб ўтди. Тадбир ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан Республика Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазириликлари ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди.

Тошкент Фотосуратлар уйида “Ўзбекистон – бизнинг Ватанимиз” мавзудаги кўргазма очилди. Конституциямиз қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган ушбу кўргазмада мамлакатимиздаги таниқли фотосурат усталарининг асарлари намойиш этилмоқда. Кўргазма 20 декабрга қадар давом этади.

# Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**



Йиғилишда Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан Ўзбекистон Республикасида геоахборот тизимларини жорий этиш ҳамда давлат кадастрларининг ягона тизimini шакллантириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масалалар, Кўчмас мулк ва автомобилотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказишни хатлаш, Фуқароларнинг муомала лаёқати бўйича нотариуслар фойдаланишини таъминловчи автоматлаштирилган тизimini яратиш концепцияси лойиҳаси, Давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали интерфаол давлат хизматларини кўрсатиш талаблари лойиҳаси ҳамда Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2011 йилги иш режаси муҳокама қилинди.

Муҳокама жараёнида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри

давлат қўмитасининг Давлат кадастрлари ягона тизими яратилгани ҳақидаги ахбороти ва ундан фойдаланишни кенгайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳамда вазирилик ва идоралар томонидан давлат кадастрларини юритиш бўйича фаолиятларини такомиллаштириш тўғрисидаги таклифлари тингланди.

Кўчмас мулк ва автомобилотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказишни хатлаш, фуқароларнинг муомала лаёқати бўйича нотариуслар фойдаланишини таъминловчи автоматлаштирилган тизimini яратиш масалалари бўйича Адлия вазирилик таклиф ва мулоҳазалари муҳокама қилинди. Йиғилиш қатнашчиларининг фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқиб, Адлия вазирилик томонидан тақдим қилинган ушбу автоматлаштирилган тизимнинг яратиш концепцияси маъқулланди.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли учун давлат органлари томони-

дан кўрсатилаётган хизматларни интерфаол тарзда кўрсатилишини йўлга қўйиш, республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш мақсадида давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали интерфаол давлат хизматларини кўрсатиш талаблари кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Шу билан бирга, Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2011 йилги иш режаси лойиҳаси муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Қўрилган масалалар бўйича мутасадди вазирилик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди ҳамда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳамда соҳа мутахассислари томонидан кўрсатма ва таклифлар берилди. Йиғилиш натижалари юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг тегишли қарори қабул қилинди.

# Корпоратив тармоқ

**Қашқадарё вилояти ҳокимининг 2008 йил 10 сентябрдаги қарорига асосан вилоят компютерлаштириш маркази ташкил этилиб, марказ етти нафар мутахассис билан таъминланди, зарурий жиҳозлар, замонавий компютер техникалари сотиб олинди.**

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги корпоратив тармоғини яратиш ушбу марказ зиммасига юклатилган. Тармоқни яратиш ишлари вилоят ҳокимлиги ва барча шаҳар, туман ҳокимликларида тезкор олиб борилиб, тармоқ ишларини ташкил этиш якунланиб қолди.

— Маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш фаолиятимизга лицензия берилди, — дейди вилоят компютерлаштириш маркази директори Абдураҳмон Чўпонов. — Мутахассисларимиз томонидан вилоят ҳокимлиги расмий веб-сайти — www.qashqadaryo.uzнинг янги платформадаги шакли яратилиб, UZINFOCOMнинг техник майдонига жойлаштирилди ҳамда барча туман ҳокимликларида qashqadaryo.uz почтаси очилди.

Марказ мутахассислари www.qashqadaryo.uzда интерфаол давлат хизматлари кўрсатиш, шундай хизматларни кенгайтириш, юридик ва жиёмоний шахсларнинг интерфаол давлат хизматларидан сифатли фойдаланишларига кўмаклашиш мақсадида мунтазам равишда янги маълумотлар тайёрламоқда. Шунингдек, улар «Нақд пул тушуми бўйича мониторинг» тизими, «Фермер ҳўжалиқларини имтиёзли кредитлашни ташкил этиш ва мониторингини юритиш» ва «Транш маблағларини йўналтириш ҳамда улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш» тизимларини вилоят ташкилотларида жорий этиш бўйича назорат режасига асосан ишламоқда. Марказ ходимлари «Фаолият мо-

ниторинг» тизими, «Ижро интизоми ва ҳўжатлар алмашиниш» дастури, «Реал қарздорликни аниқлаш» тизими устида ҳам иш олиб боришяпти.

Марказ томонидан «Тўлов топшириқномаси» дастури ва «Кутубхона каталогларининг автоматлаштирилган интеграл», «Автоматлаштирилган дарс жадвали», «Ўрта махсус таълим муассасалари ва олий ўқув юртлари битирувчиларининг ҳаракатини мониторинг қилиш» ва «Ходимлар маълумотлар базасини автоматлаштириш» тизимлари яратилди. Марказ дастурчиси Илҳом Алманов томонидан яратилган «Кутубхона каталогларининг автоматлаштирилган интеграл» тизими «Келажак овози» мега танловининг вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллади.

Ҳозирги кунда вилоят компютерлаштириш маркази ходимлари томонидан вилоят ҳокимлигининг корпоратив тармоғига туман ҳокимликларини VPN технологияси асосида боғлаш ишлари тугаланиш арафасида турибди. Барча шаҳар ва туман ҳокимликларининг локал тармоқлари яратилди.

Вилоят ҳокимлиги ва туман ҳокимликлари ходимларига qv.uz доменида электрон почта очилган бўлиб, Қарши шаҳридаги барча тижорат банклари, кўпгина ташкилот ва идоралар билан вилоят ҳокимлиги ўртасида электрон почта тизими йўлга қўйилган.

Қашқадарё вилоятида компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация



технологияларини жорий қилиниши ҳолатини ўрганиш бўйича вилоят ҳокимлиги, вилоят компютерлаштириш маркази, ЎзААнинг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси, «Ўзбектелеком» АК ҳудудий филиаллари масъул мутахассисларидан иборат бўлган ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, вилоятда компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларидан амалда самарали фойдаланишни тубдан яхшилаш бўйича 2009-2010 йилларда амалга оширилаётган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Локал ва корпоратив тармоқлар, электрон ҳўжатлар айланиши тизими ва бошқа ахборот тизимларини ташкил этиш ишлари бўйича молиялаштириш манбалари аниқланди ва барча туман ҳокимликларига серверлар ўрнатилди.

Вилоят ҳокимлиги ходимларининг 18 нафарига электрон рақамли имзо олинди. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида локал ва корпоратив тармоқларни, веб-саҳифаларни яратиш ва такомиллаштириш ҳамда ходимларни ўқитиш чора-тадбирлар режасига кўра, вилоят ҳокимлигида электрон ҳўжат айланиши тизimini жорий этишни якунлаш борасида қизгин иш олиб борилмоқда.

**Афтондия ИСМОИЛОВ,  
“Хабар”нинг Қашқадарё  
вилоятидаги мухбири**

Шу йилнинг 10 декабр куни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Махсус авария-тиклаш бошқармаси ўзининг 50 йиллик юбилейини кенг таътанга килди. Тадбирда Фавкуллда вазиятлар вазири генерал Турсунхон Худойберганов, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари Миродил Сангилов, бошқарманинг фахрий ишчи ходим ва ҳарбий хизматчилари, Зангиота тумани маҳалла оксоколлари ва бошқа меҳмонлар иштирок этдилар.

яқин авария ҳолатларини ҳамда мамлакатимиздаги кабел магистралларидаги узилишларни бартараф этишда бошқарма шахсий таркиби жонбозлик кўрсатиб, маҳоратлари юксак даражада эканлигини бир неча бор исботладилар.

Махсус авария-тиклаш бошқармаси Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги таркибига ўтказилганидан сўнг бошқарма махсус замонавий техникалар билан таъминлашга янада кат-

имкониятларига эга.

2008 йили МАТБ таянч стационар алоқа боғламасида буриладиган қурилмани ҚВ-диапазондаги логопереодик антенна фойдаланишга топширилди. Ушбу антенна "Жайрон" тезкор алоқа радиостанциялари мажмуасида ўрнатилган мобил алоқа тизими самарадорлигини ошириш имконини берди.

Бошқарма ҳар йили турли муҳим ҳарбий ўқувларда иштирок этиб келади.

# Ярим асрлик довон

Тадбирни бошқарма бошлиғи полковник Ю.Собиров очди. Ҳарбий қисм тарихи ҳақида қисқача сўзлаб берди. Маърузачи мазкур бошқарма ишчи ходим ва ҳарбий хизматчилари ўтган йиллар мобайлида юртимиз тинчлиги, Ватанимиз араққийтига хизмат қиладиган алоқа хизматчиларини тиклаш ишларида муваффақиятли иштирок этиб келишгани, ҳозирда ҳарбий қисмда маънавий офицерлар шахсий таркибга тарғиб қилаётганларга эга ўқув ва тажриба хоналари, дала ўқув майдонларида таълим-тарбия бериб келаётгани, бугунги кунда дарслар ва машқлар янги ахборот технологияларига мосланган ҳолда ўтказилаётганини таъкидлаб ўтди. Аскарларнинг дунёпарвари, маънавий-сиёсий, илмий-техник, ақлий ва жисмоний билим ва кўникмаларини ошириб бориш мақсадида давра суҳбатлари, учрашувлар, спорт тадбирлари, бадий ишлар мунтазам ўтказиб келинаётганини қайд этди.

Байрам тадбирида қатнашган меҳмонлар табрик сўзига чиқишаркан, бошқарма фаолиятига зафарлар тилашган ҳолда ўзларининг эсалик совғаларини топширдилар. Агентлик Бош директорининг вазифасига биноан, Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм) ташкил топганига 50 йиллиги муносабати билан ҳамда меҳнатда эришган юқори кўрсаткичлари ва фидокорона фаолиятларини рағбатлантириш мақсадида бир гуруҳ ҳарбийлар ва ходимлар муносиб тақдирлангандилар. Тантананда Агентликнинг "Фахрий ёрлиғи" ва "Ўз касбининг устаси" белгилари ўз эгаларига топширилди. Шунингдек, байрам муносабати билан алоҳида ўрнатилган ҳарбий қисм хизматчиларига бошқарма ҳамда Фавкуллда вазиятлар вазирига тақдим қилинган нишон ва муфотлар тақдим этилди.

Тадбир сўнгида байрамнинг бадий исмига навбат берилди.



## Босиб ўтилган йўл

Мустақил Куролли Кучларимиз ташкил топгандан сўнг ўтган қисқа давр мобайлида армиямизда улкан ўзгаришлар содир бўлди. Аини дамда мамлакатимиз ҳарбийлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверинитетини ва ҳудудий ахлиглигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиб келмоқда. Бунда алоқачи ҳарбийларнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Ўтган йиллар давомида Махсус авария-тиклаш бошқармаси шахсий таркиби томонидан Марказий Осиё ҳудуди ва бошқа бир қатор собиқ Иттифоқ мамлакатларида алоқа объектларини куриш ва авария-тиклаш ишлари амалга оширилди. Жумладан, бошқарма аъзолари Тошкент-Москва, Олмаота-Тошкент-Душанбе, Тошкент-Ашхобод-Красноводск, Маргилон-Фаргона, Қўқон-Наманган-Фаргона ва бошқа йўналишларда кабел магистраллари, Тошкент, Самарқанд, Фаргона ва қўшни мамлакатларнинг қатор шаҳарлари телефон тармоқлари курилишида иштирок этди.

Алоқа иншоотларида юз берган 200га

## Маълумот ўрнида

Махсус авария-тиклаш бошқармаси:

- Авария-тиклаш ишларини олиб бориш жараёнида алоқа бошқарувини ташкил этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг алоқа ва телекоммуникация объектларида авария-тиклаш ишларини амалга ошириш;
- Ута муҳим ва тошфаланган алоқа объектларини ҳарбий кўриқлашни амалга оширишни таъминлаш билан шуғулланади.

та эътибор қаратилди. 2000-2003 йиллар давомида "Янги алоқа технологиялари" ҚК, "Квант-алоқа" фирмаси, "АСТПС" ҚК, "СамКочАвто" ҚК ва "СТАН" фирмаси билан ҳамкорликда кўчма алоқа туғуни ташкил этилди. Айтиш жоизки, бундай кўчма алоқа воситалари мамлакатимизда ягонадир. Ушбу кўчма туғундан телекоммуникациялар тармоқларидаги авария-тиклаш ишларини бошқариш, алоқа воситалари мавжуд бўлмаган ҳудудларда фавкуллда вазиятларнинг олдини олиш ва унинг оқибатларини бартараф этишда фойдаланилмоқда. Япония, АКШ ва Австралия давлатларида ишлаб чиқарилган замонавий радиоалоқа ва телекоммуникация технологиялари билан жиҳозланган, етук алоқа мутахассислари томонидан бошқариладиган махсус тезкор машиналар фавкуллда ҳолат юз берган вазиятларда қутқарувчиларни радио ва телефон алоқаси билан таъминлайди. Кўчма алоқа воситаси "Фаргона-2003", "Андижон-2006" ва "Фаргона-2006" халқаро ўқув машғулотларида ҳар томонлама синовдан ўтказилди. Унинг ишлаш тизими ҳорижлик мутахассислар томонидан юксак баҳоланди.

2004-2005 йилларда бошқарма ходимлари "АСТПС" кўчма корхонаси мутахассислари билан ҳамкорликда ҳаракатдаги алоқа воситалари билан ишлашда орттирилган тажрибадан келиб чиққан ҳолда "Жайрон" автомобилига асос солишти. УАЗ-315302-013 автомобили асосида яратилган ушбу алоқа воситаси авария ҳолатида нафақат узлуксиз алоқани таъминлаш, балки автоном тартибда ишлаш, интернет билан боғланиш

Жумладан, 2008 йилнинг 16-18 январь кунлари Қамчиқ довомида ўтказилган махсус-тактик машғулотларда Ўзбекистон Республикаси Фуқаро мудофааси бошлиғи бошқарув масканида мобил алоқасини ташкил этиш ҳамда ўқув нуқталарида алоқани ўрнатиш вазифаси юклатилди. Зудлик билан қийин тоғли ҳудуд шароитида ишончли радио ва радиотелефон алоқасини ўрнатиш чоралари ишлаб чиқилди. Машғулотлар давомида Фавкуллда вазиятлар вазирилик мутахассислари учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаро мудофааси бошлиғининг ҳаракатдаги бошқарув масканида алоқани ташкил этиш бўйича ўқув ўтказилди ҳамда МАТБнинг мобил алоқа техникалари имкониятлари намойиш қилинди. Жорий йилнинг 13-17 май кунлари МАТБ маҳаллий ҳокимият органлари, бошқарма ва фавкуллда вазиятлардан огоҳ этиш ва фавкуллда вазиятларни бартараф этиш давлат тизими кучлари билан биргаликда Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида ўтказилган кўчма қўмондонлик-штаб ўқув машғулотида иштирок этди. Фавкуллда вазиятлар вақтида вазирилик ва идоралар тузилмалари, корхоналарнинг махсус таркибларини бошқариш ва ўзаро алоқадорлигини таъминлаш учун алоқани ташкил этиш масалалари ишлаб, кўриб чиқилди. Алоқа масканларини бошқариш кўчма боғламаси Фуқароларни ҳимоя қилиш бошлиғи учун ҳар бир вилоятда ташкил этилган мобил алоқа бошқаруви масканларида алоқани ташкил этиш бўйича масалани ҳал этди. Ўзаро алоқадорлик учун алоқа ўқув жойларида "Жайрон" комплекс тезкор алоқа радиостанциясини ишта тушириш орқали амалга оширилди. МАТБнинг бу ишини Фуқаро мудофааси бошлиғи ҳам юқори баҳолади.

Ҳарбий қисмда аскарлар учун яратилган шарт-шароитлар ҳам таҳсинга sazovor. Аиниқас, ёшларнинг жисмоний ва маънавий баркамол инсон бўлиб етишишлари ҳамда ватанпарварлик фазилатларини юксалтириш йўлида катта қиз сарфланмоқда. Аскарлар баталонида компьютер хоналари, бадий адабиётлар ва ўқув дарсликлари жамланган кутубхона, спорт зали хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, турли мавзуларда таниқли шахслар билан учрашувлар, спорт тадбирлари мунтазам ўтказилиб турилади.

Шерзод КУРАЙШЕВ,  
МАТБ тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи,  
Лутфилло ТУРСУНОВ,  
журналист



Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари Миродил Сангилов Агентликнинг "Фахрий ёрлиғи" ва "Ўз касбининг устаси" белгиларини ўз эгаларига топширмоқда.

## Xalqaro hayot



### ТҮЙ АЗАГА АЙЛАНДИ

Ҳиндистонда түй азага айланди: йўл ҳаракати ҳалокати оқибатида 28 нафар одам нобуд бўлди.

Ҳалокат мамлакатнинг Карнатак штатида содир бўлди. Полиция хабарига кўра, түй меҳмонларини олиб кетаётган автобус Майсур шаҳри яқинида бурилиш чоғида трассадан чиқиб кетган ва кўлга кулаган. Ҳалок бўлганларнинг 24 нафари аёллар, уч нафари эса болалардир. Автобус ҳайдовчиси ҳам қурбон бўлган.

Полиция автоҳалокатга ҳайдовчининг йўл ҳаракати қондасига амал қилмаганлигини, йўлнинг хавфли участкасида тезликни оширганини сабаб қилмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, Ҳиндистон йўл ҳаракати ҳалокати оқибатида ҳалок бўлаётганлар сони бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Ушбу мамлакат йўлларида ҳар йили юз мингдан ортқ одам қурбон бўлади, тўрт юз мингдан ортқ одам эса жароҳатланади. Сабаби мамлакатда йўллар жуда ҳам таъмирталаб.

### КАМЧАТКАДА ЗИЛЗИЛА

Камчатка ўлкаси ҳудудида бир кеча-кундузда икки марта zilzila қайд этилди. РФ Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Узоқ Шарқ минтақавий маркази хабар тарқатишича, биринчи ер силқиниши Вилочинск шаҳрининг Елизовск туманида, иккинчиси эса Петропавловск-Камчатка ботиқлигида юз берган.

Хабарларга кўра, zilzila аҳоли масканларига зарар етказмаган, қурбон бўлганлар йўқ.

### Эрон-Венесуэла: ХАРБИЙ ҲАМКОРЛИК КУЧАЙМОҚДА

Эрон Венесуэлада ракета базасини ташкил қилмоқчи ҳамда Уго Чавес тузуми билан ҳамкорлик стратегиясини кенгайтирмоқчи. Венесуэла чегарасидан АҚШгача масофа 2000 километр. Бу масофа Эроннинг «Шихаб-3» ракетаси учун етарлидир.

Президентлар Чавес ва Аҳмадинажд Венесуэла ракета базасида маҳаллий ҳарбийлар билан бирга Эроннинг Ислон революцияси кўриқчилари корпуси аскар ва офицерлари ҳам хизмат қилиши юзасидан келишиб олдлар.

Венесуэла ушбу базадан «миллий мудофаа мақсадларида» ҳамда лозим бўлиб қолганда, ўзининг ашаддий душмани Колумбияга зарба беришда фойдаланмоқчи. Бундан ташқари, Эрон Венесуэлага ҳарбийларни қайта тайёрлашда, офицерларнинг жанговор тайёргарлиги ва ракета технологиялари бўйича ҳам ёрдам беради.

### “ЙИЛ ОДАМИ” ЭЪЛОН КИЛИНДИ

«Time» журнали Facebook ижтимоий тармоғи асосчиси Марк Цукербергни “Йил одами” деб эълон қилди. Бу ҳақда Day.Az журнали сайтидаги маълумотта таянган ҳолда хабар тарқатган.

Сўровнома якуни бўйича фойдаланувчилари сони дунё бўйича 500 миллиондан ошиб кетган ижтимоий тармоқ асосчисидан ташқари, Ҳамид Карзай ҳамда Жулиан Ассанж номлари ҳам жуда машҳур эканлиги маълум бўлди.

Аввалроқ айрим оммавий ахборот воситалари «Time» журнали сўровномасида Wikileaks асосчиси Ж.Ассанж етакчилиги қилаётгани ҳақида хабар беришган эди.

Интернет материаллари  
асосида тайёрланди

## TEKNOLOGIYALAR

### ҚОҒОЗНИ ТЕЖАЙЛИК

Бутунжаҳон ёввойи табиат жамғармаси (WWF) германиялик дастурчилар билан ҳамкорликда .wvf деб номланган файл шаклини тақдим этди. Бу янгилик биз учун яхши таниш PDF шаклининг такомиллашган кўриниши, аммо уни принтерда чоп этиб бўлмайди.

Бу хусусият чоп этиш учун зарур қоғозни тежаш ва шу йўл билан ўрмон ва боғларни асраб қолиш имконини беради. “Ҳар йили дунё бўйича 13 миллион гектар ўрмон нобуд бўляпти. Сабаби — қоғоз масаласи. 1950 йилдан дунё бўйича қоғоз ишлайтиш етти бараварга ошди. Ҳар иккинчи кулатилаётган даракт қоғоз саноатида ишлатилапти. Кераксиз ҳужжатларни чоп этмаслик — муаммонинг ечимини топиш томон дастлабки қадам бўлиши мумкин”, — дейди WWFнинг Германиядаги бўлими раҳбари Эберхард Брандес.

Шу ўринда эслатма: 2011 йил БМТ томонидан Халқаро ўрмонлар йили деб эълон қилинган.



## XAVFSIZLIK



### Вируслар

#### ТАҲДИДИ

Kaspersky Security Network (KSN) статистикасига кўра, унинг фойдаланувчилари орасида энг кўп зарарли дастурлар ҳужуми Россияда кузатишган. Аниқроқ айтганда, якунланаётган йил учинчи чорагида KSNнинг Россия шўъбасида 52,77 фоиз компьютер вирусли дастурлар билан тўқнаш келган.

Мазкур рўйхатнинг иккинчи погонасини Беларусь (44,19 фоиз), учинчи ўринни Хитой (41,29 фоиз) банд этган.

Шунингдек, Қозоғистон, Украина, АҚШ, Ҳиндистон, Бангладеш, Шри-Ланка ва Саудия Арабистонида вируслар хавфи кўпчилиги аниқланган.

## YANGILIK

### Мўъжаз батарея

Sandia Миллий лабораторияси (АҚШ)да дунёдаги энг митти батарея синондан ўтказилди. Қайта зарядланадиган бу литий аккумуляторнинг аноди инсон соч туласидан етти минг маротаба ингичка ягона нанотўқазгичдан иборат.

Электрон микроскоп воситасида йиғилган батареянинг тоқ кучини олимлар 1 пикоамперга тенг деб ҳисоблашапти. Албатта, бу электрон қурилмалари ишлайтиш учун етарли эмас, шунга қарамасдан, у келгусида мулақо янги тоифадаги ўта ихчам таъминот манбалари яратишга хизмат қилиши мумкин.

## INTERNET

### Қош қўяман деб...

Маълумки, Google компанияси турли саналар муносабати билан логотипини ўзгартириб туради. Қидирув тизими дизайнчилари яқинда Россияни 2018 йилги футбол чемпионатига мезбонлик билан табрикламоқчи бўлиб ҳақиқий маънода “қовун туширишди”: Унга кўра, Googleнинг рус хизмати логотипида футбол тўплави ва Россия байроғи аксини топган. Юқоридан пастга кетма-кетликда оқ, қизил ва кўк ранглар жойлашган (сўнгги икки ҳошия ранглари ўрни алмаштириб юборилган).

«Биз йўл қўйилган хато учун кеҳирим сўраймиз, унга инсон омилли сабаб бўлган. Тезкорлик билан байроқ ранглари асл ҳолида жойлаштирилди ва фойдаланувчилар бизни тўғри тушунадилар деган умиддамиз», — дея воқеага ойдинлик киритган Google Россия шўъбаси вакиллари.

## JAMIYAT

### Галстук боғлашни биласизми?

Yahoo қидирув тизими анъанавий йиллик сўровномалар

ш а р ҳ и н и  
м а ъ л у м  
қ и л д и .

Қизиги, ўтган йили мазкур тизимга кирувчилар энг кўп “Галстукни қандай боғлаш керак?” деб савол беришган.

Сўровномалар ўнлигидан, шунингдек, “Ортқча вазндан кутулиш учун нима қилиш керак?”, “Муҳаббат нима?”, “Тухумни қандай пишириш лозим?” каби анъанавий ва жўн саволлар ҳам ўрин олган.

2010 йил Yahoo янгиликлари орасида “Бритиш Петролеум”нинг Мексика кўлтигидаги платформасидаги аварияга, футбол бўйича жаҳон чемпионати ҳамда актриса ва хонанда Майли Сайрусга энг катта қизиқиш билдирилган.

Турли мамлакатлардаги фойдаланувчиларнинг мавзулар доираси ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Канадалиқлар Ванкувердаги қишки олимпиада, футбол бўйича жаҳон чемпионати ва “Америка эркатойи” ток-шоусига қизиқиш билдиришган бўлса, бразилияликлар миллиат қаҳрамонлари — уч футболчи ҳақида маълумот қидиришган. Корейсларни футбол мавзуси, ҳарбий ҳаво кучларининг чўкиб кетган кемасти атрофидаги машмашалар ва смартфонлар қизиқтирган. Британияликлар бўлса лотерея сайтлари, иш ўринлари ва об-ҳаво маълумотини билиш учун интернетта мурожаат қилишган.

Италия интернет-ҳамжамияти Facebookда “ўтириш”, компьютер ўйинлари сайтларига кириш ва мунажжимлар башоратида қизиқиши билан ажралиб турган.

Немислар яна бир бор пунктуал халқлигини исботлади: улар интернет орқали хариталар, об-ҳаво маълумоти ва телефон рақамлари қидиришган.




# CDMA-450 СТАНДАРТИ

## юртимизда кенг қўлланилиш босқичлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

CDMA технологияси уяли алоқа стандартларида қўлланилувчи 450 МГц диапазондаги паст частоталарни қўлайди ва кенг трасса бўйлаб тарқалувчи сигналда минимал сўниш юзга келди, қайсики IMT-МС-450 (CDMA-450) стандартига максимал радиусни қамраб олиш имконини яратди.



Жаҳоннинг 99та давлатида 250дан ортик операторлар CDMA технологиясини турли диапазондаги частоталарда (450/800/900/2000 МГц) қўллаб келишмоқда. CDMA EV-DO тармоқ абонентлар сони 100 миллионга яқинлашиб қолди. Ўзбекистонда CDMA технологияси 450 МГц частота диапазонда ривожланиб бораётган, зеро, NMT-450 тармоғи рақамлаштириш босқичидаги энг маъқул стандартлардан бири ҳисобланади.

Ушбу стандарт ютуқлари:

- мулоқотнинг аниқ ва раван эшитилиши, турли шовқинларнинг йўқлиги ва юқори даражадаги мулоқот конфиденциаллиги (даставвал ушбу стандарт АКШ мудофаа кучлари учун ишлаб чиқарилган);

- юқори ҳажмдаги тармоқ, лимитсиз боғланишлар, яъни овоз ва маълумотлар узатиш трафиғида;

- юқори тезликдаги маълумот алмашинуви, барча бизнес-муаммоларнинг тез ҳал этилиши, бунда "масофадаги офис" класидан фойдаланган ҳолда уяли ва уни компютерга улаб амалга оширилади;

- уяли алоқа аппаратининг бошқа стандартдаги аппаратларга нисбатан (GSM аппаратларининг энг юқори қуввати 1,0 Вт ни, шу ўйсинда CDMA-телефонларининг қуввати 0,2 Вт ташкил этади) қувватлилиги.

CDMA (Code Division Multiple Access) — технологиясининг жорий этилиши мобил алоқа тартибидеда катта ўзгаришларга туртки бўлди.

Ушбу технологияларга асосланган уяли алоқа тармоқларини янги тармоқ авлоди — 3G тартибидеда мумкин. CDMA технологияси 450 МГц частота диапазонда жуда кенг ҳудудни қамраб олиши операторларнинг қўшимча базавий станциялар ўрнатиш учун кетадиган маблағларини тежаб қолишга олиб келади.

EV-DO технологиясининг жорий этилиши кенг полосали интернет хизматидан маълумотлар алмашинувини таъминлайди (каналларнинг ўтказувчанлик қобилияти 153 кбит/с, EV-DO тармоғида 2,4 Мбит/с гача). Ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан CDMA-450 стандарти уяли терминалларда (УТ) криптографик аутентификация ҳисобига ва узатилаётган ахборот махсус шифрлаш алгоритми билан амалга оширилади.


Шуни таъкидлаш лозимки, IMT-МС (CDMA-450) тармоғи ривожланиш ва эволюция босқичи ҳисобланади. Ҳозирда ушбу IMT-МС (CDMA-450) тармоғи икки йўналишда кетмоқда:

- IMT-МС тармоғининг мукаммалашуви;
- HDR (high data rate) ёки EV (evolution). Кейинги иккинчи йўналишлардан бири бу икки фазали 1x EV-DO (evolution data only ёки data optimized) ва 1x EV-DV (evolution data/voice). HDR тармоғи остида нутқ ва маълумотларни ажратган ҳолда узатиш гоёси этади, яъни бу маълумотлар бир-биридан хизмат

кўрсатиш сифати ва трафикада узатилиши билан фарқланади. Буларга тезлик, мавжуд тўхталишлар, узатилаётган маълумот таркибидедаги пакетлар бир қисмининг йўқотилиши қабилад кирилади.

Маълумотлар узатиш тезлигини оптималлаштириш унинг самарали ишлашини 1,6мбит/МГц (EV-DO rev. O и EV-DV rel. C даги стандартлар учун) ва 2,07 мбит/с (EV-DO rev. A и EV-DV rel. D даги стандартлар учун) гача оширади. 1x EV-DO тармоғи икки хил турдаги абонент терминаллари талаб қилса, EV-DV ва IMT-МС тармоқлари бир-бири билан тўлиқ мутаносибликда ишлаши ва умумий узатилаётган мавжуд илгчи тўлқинида ва ёски 1x тармоқ абонент ускунаси билан ҳамжиҳатликда ишлашга йўл беради.

1x EV-DO тармоғида нутқ узатиш VoIP тартибидеда амалга оширилади, EV-DV rel. D тармоғида эса нутқ узатиш асосан каналларни коммутация (1x тартибидеда) қилиш орқали бажарилади.



Расм: CDMA 1X/1xEV-DO/ тармоғида рақамли транк алоқа чизмаси.

### Узатилаётган тўлқинларни кайта ишлаш усуллари

IMT-МС-450 тармоғида сигнал орқали шовқинларни сусайтириш ва спектр кенгайтириш қўлланилади, бу эса 2G тармоғидан афзал томонларга эга. Тўлиқ маънода IMT-МС тармоғи нутқ ва маълумотлар узатилишини юқори сифатда амалга оширади.

### Қувватни сошлаш

CDMA-450 тармоғида қувватни сошлаш энг қийин ва самарали жараёнлардан бири бўлиб, у GSM тармоғидан қуйидаги бир қатор кўрсаткичлар билан фарқланади: тўлқиниости чуқурлиғи — 80 дБ, қадам — 0,5 дБ, аниқлик — 0,5 дБ, буйруқ (команда) узатиш тезлиги — 800 Гл. Бу эса абонент ва станциянинг минимал қувват билан ишлашига ҳамда тармоқ сигимини кенгайтиришга имкон беради.

### CDMA-450 стандартини GPRS ва EDGE технологиялари билан солиштириш

GSM стандартида дастлаб маълумотлар узатиш тезлиги 9,6 кбит/с деб қабул қилинган эди. Кейинроқ маълумотлар узатиш тезлиги 13 кбит/с га етказиш имкони яратилди. Кейинги қадам GPRS технологиясини жорий этишдан иборат бўлди. Бироқ бу технология операторлардан кўп нарсаларни талаб этарди. Жумладан:

- маълум микдорда инвестиция;
- асосийси, аниқ вақт оралиғида юқори тезликда маълумотлар узатиш.

Энг кўп тарқалган терминаллар GPRS тартибидеда асосан 4/2(1) схемаси бўйича ишлайди, 4 "пастга" линия тайм-слоти ва 1-2 "юқорига" линия слоти.

Бундан ташқари, 1800 МГц диапазонда ишлайдиган база станциялари GPRS технология-

сини қўллаганда ҳудудни қамраб олиш кўрсаткичи жуда паст, 900 МГц диапазонда база станцияларига қўшимча ресурс (сигим) талаб этилади, бу эса овоз трафини узатишда бир қатор ноқулайликларни туғдириши мумкин. GSM стандартида EDGE технологиясининг жорий этилиши база станция ва абонент терминаллари ўртасида радиоканал орқали янги модуляция жарёнини юзга келтиради. Бу эса, ўз вақтида, база станцияларида EDGE технологиясида қўлланилувчи узатиш ва қабул қилиш ускуналарини ва шу аснода ушбу технологияни қўлловчи уяли алоқа аппаратларини талаб этади. EDGE технологиясида максимал маълумотлар узатиш тезлиги 59,2 кбит/с ўрта ҳисобда 100 кбит/с тезликка эга бўлади, бу IMT-МС 1x (rel. 0) [2] (CDMA-450) тармоғидан бироз юқори эканлигини кўрсатади.

CDMA-450 тармоғи NMT-450 ва GSM тармоқларига нисбатан қуйидаги афзалликларга эга:

- катта ҳудудни қамраб олиш (база станцияларининг радиуси бўйича);
- катта сигим даражасига эга (база станцияси ҳисобига ва частота полосасига кўра);
- қўллаб мултимедиа хизматларини таклиф этувчи ташкилотларга биринчи авлод тармоғидан кейинги авлод тармоқларига ўтишни таъминлайди;
- юқори экологик хавфсизлик.


Бундан ташқари, CDMA-450 тармоғи қурилиши 450 МГц диапазонга тўғри келмоқда, бу тармоқ дастлаб NMT-450 стандарти учун ажратилган эди.

Қўшимча полосалар ёки диапазон частоталари кейинчалик абонент базаларига бўлган талабларнинг йилдан-йилга ортинги ҳисобига жуда катта зичликдаги трафиклар қўлланилиши фойдалан холи эмас. Бундай муаммолар мегаполислар ёки миллион аҳолига эга шаҳарда кузатилиши мумкин.

IMT-МС-450 тармоғининг санаб ўтилган сифатларига эътибор берадиган бўлсак, бу афзалликлар қўллаб мамлакатларда асосан аҳоли зичлиги камроқ ҳудудларда ишлаб келинмоқда.

Шу вақтнинг ўзида мегаполисларда самарали равишда фойдаланилади, қўшимча полосалар ёки диапазон частоталарининг ажратилиши кўп тармоқли IMT-МС тармоқларини қуришда ишлатилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, тармоқларнинг ривожланиши ва асосий жиҳатларининг ўзгариши уларнинг тараққий этишда давом этаётганлигидан далолатдир. Маълумотлар узатиш тезлигининг ортинги боғланиш вақтининг (абонентлар ўртасида) кескин камайишига олиб келади. Бу эса транк тармоқларнинг ривожига, бунда нутқ узатилиши VoIP янада сифат даражасида бўлишига эришилади. Яқунда маълумотлар узатилиш тезлигининг ошиши мултимедиа хизматларини тақдим этишда яна бир қулайликни яратди.



Шухратбек АХМАДЖОНОВ,  
"Андижон Телеком" филиалининг  
ахборот хавфсизлиги бўйича мутахассиси



# ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ УЗБЕКИСТАНА ПРЕДСТАВЛЕНЫ В АЗЕРБАЙДЖАНЕ

В городе Баку прошла Национальная выставка Республики Узбекистан. Экспозиция выставки была развернута в новом выставочном комплексе Baku Expo Center, общей площадью до 12 тыс. кв. метров. Более 200 человек – участники мероприятия представили свыше 80 стендов. В рамках выставки представлена обширная экспозиция «Информационные технологии Узбекистана».

Официальное открытие выставки прошло с участием заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Эльера Ганиева и первого заместителя премьер-министра Азербайджана, г-на Якуба Елюбова. Ими было отмечено, что Национальная выставка Узбекистана заслуживает самого высокого внимания и проводится в рамках договоренностей, достигнутых в ходе официального визита Президента Республики Азербайджан, г-на Ильхама Алиева в Республику Узбекистан, состоявшегося 27-28 сентября 2010 года. Также, г-ном Якубом Елюбовым было отмечено, что наши страны связаны друг с другом историческими корнями и Узбекистан одна из братских стран однозначно поддерживающая Азербайджан на международной арене.

Выставка носила многоотраслевой характер и предоставила хорошую возможность для деловых кругов Азербайджана непосредственно ознакомиться с продукцией и услугами ведущих предприятий Узбекистана различных форм собственности, организовать прямой диалог с потенциальными партнерами. Тематические разделы экспозиции отвечали приоритетным направлениям в развитии

партнерства двух стран.

Отдельным разделом на выставке была представлена отрасль информационно-коммуникационных технологий Узбекистана. Отрасль ИКТ Узбекистана представили следующие ИТ-компании и организации:

- АК «Узбектелеком», филиалы компании – «UzNet» и «Узбектелеком мобайл»;

- Центр научно-технических и маркетинговых исследований UNICON.UZ;

- Центр подготовки и поддержки молодых программистов;

- ООО «Telmax Elektroniks»;

- Центр развития и внедрения компьютерных и информационных технологий UZINFOCOM;

- ООО «NetDec»;

- ООО «NewMax Technologies»;

- ООО «Bisof Multimedia»;

- ООО «Fido Biznes»;

- Журнал InfoCOM.UZ;

- Компания «CIB GROUP». Стенд «Информационные технологии Узбекистана» был организован Узбекским агентством связи и информатизации и Ассоциацией предприятий и организаций информационных технологий Узбекистана.

Акционерная компания «Узбектелеком» — крупнейший телекоммуникационный оператор Узбекистана — представила на своем стенде широкий спектр услуг: каналы для аренды операторам и провайдерам фиксированной и мобильной связи, передачи данных, все виды услуг голосовой связи и передачи данных, доступ к сети Интернет, видеоконференцсвязь, услуги мобильной связи в стандарте CDMA.

На стенде Центра UNICON.UZ были представлены такие проекты как система электронного документооборота E-hujjat, система защищенной электронной почты E-xat, аппаратно-программное устройство формирования и проверки электронной цифровой подписи «SIT-1», система защищенного хранения файлов «HMFAYL» и другие.

Центр UZINFOCOM на выставке представил все свои проекты. Особое внимание и интерес среди посетителей вызывали такие проекты Центра как, Датацентр UZINFOCOM — веб-хостинг (размещение веб-сайта в Интернете) и co-location (размещение сервера на технологической площадке Датацентра), проекты информационно-образовательной сети Ziyonet

– Desk.uz (инструмент создания личного информационного пространства); Tanlov.uz (сайт справочной информации по проводимым конкурсам и грантам); Fikr.uz (сервис создания коллективных и персональных блогов); Wiki.zn.uz (зеркало узбекской части Википедии), а также проект по внедрению внутреннего корпоративного портала на базе технологии Microsoft SharePoint.

ООО «Telmax Elektroniks» представил отечественное телекоммуникационное оборудование: удаленный абонентский концентратор, приемник сигналов «Set top box» для цифрового телевидения, аналого-цифровой мультиплексор, конвертер сигнализаций и другое.

Так, заместитель министра связи и информационных технологий г-н Якубов Вели-Заде, посетивший выставку с большим вниманием и интересом ознакомился с представленными материалами и отечественными разработками в области информационных технологий и высказал желание о проведении совместной работы в развитии направления ИКТ в Азербайджане и Узбекистане.

Положительным итогом данной выставки явилось то, что в ходе нее были достигнуты договоренности и подписан ряд меморандумов о взаимном сотрудничестве и обмене информацией, проведении совместных мероприятий и разработок между отечественными и азербайджанскими компаниями.

## «БИЛАЙН» В 2010 ГОДУ ВДВОЕ УВЕЛИЧИЛ ПРОПУСКНУЮ СПОСОБНОСТЬ ВНЕШНЕГО ИНТЕРНЕТ-КАНАЛА

Единый оператор связи «Билайн» в очередной раз увеличил пропускную способность внешнего интернет-канала. В ноябре емкость международного интернет-канала, используемого «Билайн», была расширена еще на 20%.

Комментируя событие, старший менеджер по связям с общественностью «Unitel» Ораз Абдуразаков сказал: «Расширение наших технических возможностей, ставшее возможным благодаря тесному взаимодействию с УзАСИ и «Узбектелеком», напрямую влияет на рост качества наших услуг. От такого сотрудничества выигрывают потребители, получающие больше трафика на лучшей скорости по доступным ценам. А учитывая то, что мы предоставляем доступ в интернет с помощью большинства известных технологий, эти процессы способствуют дальнейшей интернетизации нашей страны».

В общей сложности пропускная способность внешнего интернет-канала «Билайн» в 2010 году была увеличена более чем в два раза. Напомним, что в ходе ИКТ-саммита в Ташкенте были озвучены планы дальнейшего увеличения общей скорости использования международных информационных сетей, достигнувшей в I полугодии 1,58 Гбит/с, уже в ближайшие месяцы.



## РЕКОРДНОЕ СНИЖЕНИЕ СТОИМОСТИ В «SMS-ПАКЕТАХ» ДЛЯ АБОНЕНТОВ «МТС-УЗБЕКИСТАН»

С 13 декабря 2010 года для активных пользователей SMS-общения, компания «МТС-Узбекистан» запускает новый SMS-Пакет «SMS 850», который предназначен для отправки абонентам всех мобильных операторов Узбекистана. Более того, компания рада сообщить всем своим абонентам о снижении стоимости в существующих SMS-пакетах.

Для подключения доступны следующие «SMS-пакеты»:

| Пакет     | Кол-во SMS-сообщений в пакете | Стоимость | USSD-команда для активации пакета |
|-----------|-------------------------------|-----------|-----------------------------------|
| «SMS 60»  | 60                            | \$0,55    | *111*017*1#                       |
| «SMS 150» | 150                           | \$1,30    | *111*017*2#                       |
| «SMS 250» | 250                           | \$1,50    | *111*017*3#                       |
| «SMS 550» | 550                           | \$3       | *111*017*4#                       |
| «SMS 850» | 850                           | \$4       | *111*017*5#                       |

«Обновленные SMS-пакеты рассчитаны, в первую очередь, на молодежь и других активных пользователей SMS. Услуга позволяет абонентам отправлять больше SMS сообщений за меньшие деньги. На выбор абонентов представляется 5 видов периодических SMS пакетов, что позволяет гибко варьировать объем выбранной услуги в зависимости от уровня потребления», — отметил заместитель генерального директора по коммерции Шадманов Н.К.

Стоимость каждого пакета снимается со счета при его подключении. Одновременно на каждый номер может быть активировано до двух «SMS-пакетов». Срок действия каждого «SMS-пакета» — 30 дней со дня активации.

Чтобы проверить состояние и узнать, сколько неиспользованных сообщений осталось в активированном SMS-пакете, необходимо отправить следующую USSD-команду: \*111\*017#.

**Почта хизматлари асрлар оша сайёрамиз аҳолиси ўртасида ахборот тарқатиб келяпти. Бугунга келиб, почта нафақат мулоқот воситаси, балки иктисодиёт ва бизнесни ривожлантиришнинг муҳим таркибий қурилмаларидан бирига айланди. Ҳар йили дунё почта операторлари томонидан миллиардлаб хат, оқритка, газета-журналлар, жўнатма ва каталоглар етказиб берилди. Интернет пайдо бўлиши билан ахборотга тезкор эга бўлиш ривожланишнинг асосий шартларидан бирига айланди.**

Шу боис аксарият компанияларнинг замонавий технологияларга қизиқиши катта. Булар жумласида яқинда Глобал тармоқда юқори даражада .post доменини очиш арафасида турган жаҳон почта ҳамжамияти ҳам бор. Бу домен интернет орқали жаҳондаги 660 мингдан ортиқ почта алоқаси бўлимларини боғлаш ва халқаро почта айирбошлаш учун улкан имкониятлар яратди.

Почта соҳасининг юқори даражадаги ўз доменига эга бўлиши бир пайтлар фақат орзу эди. Бутунжаҳон почта иттифоқи (БПИ) ва интернетда ном ва рақамларни тақсимловчи ICANN интернет-корпорацияси ўртасидаги кўп йиллик музокаралар нихоят ўз мевасини берди. Почта доменига эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи мазкур тарихий битим 2009 йилнинг 11 декабр кўни имзоланди. Домен янги йил арафасида ишга туширилиши кутиляпти.

БПИ .post доменидан фойдаланган ҳолда жисмоний, электрон ва молиявий йўналишларни бирлаштирган тармоқни барпо этмоқчи. Шу билан бирга, жисмоний ва рақамли манзиллар манфаатлари бирдай инobatга олинади. Шу тариқа почта иштирокидаги ва барча қатнашчиларни "танийдиган", тўлиқ муҳофазаланган муҳит яратилади. Мазкур технологиянинг қўлланилиш соҳаларидан бири бу факулдла вазиетларда хабар беришдир. Бундан ташқари, интернет орқали дунёнинг исталган нуқтасида берилган буюртмалар учун логистика тармоғи йўлга қўйилади. Бошқача айтганда, .post домени — ҳуқуқматлар, муво-

## ФИНЛЯНДИЯ

*Itella компанияси* — Финляндия почта оператори рақамли технологиялар асосида хат-хабарларни етказишнинг янги усулини ўзлаштиряпти. Келаятган хатлар сканер қилиниб, электрон шакли NetPosti серверидаги почта қутисига жўнатилади. Натижада мижоз қоғоз хат қўлига келиб тушмасидан унинг мазмунини билан таниша олади. Ҳозирча синов Пурву шаҳрида кетаяпти, агар бу усул ўзини оқласа, аънавий хатлар ўрнини эгаллаши мумкин.

## ФРАНЦИЯ

Мамлакат почта хизмати DIGIPOSTE номи остида янги хизматни йўлга қўйди. У рақамли ҳужжатларни олиш, сақлаш ва тарқатишни кўзда тутди. Энди мижозлар турли ҳисоб рақамларини бир "почта қутиси"да тўплашлари мумкин. Француз почтаси мижозларига "электрон қоғозлари"ни сақлаш учун кулай ва хавфсиз рақамли усулни тавсия этапти. La Poste шу йўл билан тўлиқ хизматлар пакети: қоғоз ва рақамлисидан тортиб гибрид почтагача тақдим этади.

Бундан ташқари, DIGIPOSTE Франция почтасига автоматик равишда маошлар рўйхатини чиқариш, меҳнат шартномаларини тарқатиш ва ҳоказо корхона ички ҳужжатлар алмашинувини йўлга қўйиш имконини беради.

# POST ҳамжамияти



## САУДИЯ АРАБИСТОНИ

Саудия Арабистонида электрон тижорат бозори барқарор ривожланыпти. Масалан, 2009 йили интернет орқали 5 миллион маротаба харид амалга оширилган. Бу аъна тобора оммалашаятганини назарда тутган қироллик почта хизмати мазкур бозорга киришни режалаштирган. Ҳозирча интернет орқали буюртма қилинган товарлар етказиб берилди. Маълум тажриба орттирилгач, янги технологияларни қўллаш орқали почта мазкур хизматни янада ривожлантирмоқчи.

фиқлаштирувчилар, операторлар ҳамда БПИ тан олган хусусий сектор вакиллари ҳамкорлигига асосланган ҳамжамиятдир.

### «Почта соҳасидаги IPHONE»

БПИга аъзо-мамлакатлар .post домени бизнес соҳасида қанчалик кенг имкониятлар яратишини тасаввур қилишлари учун ҳам лойиҳага шу норасмий ном берилди. Биламизки, Apple компаниясининг мазкур тоифадаги аппаратлари оддий телефон эмас, балки бошқа кўп функцияларни жамлаган қурилма: мобил телефон, плеер, камера, чўнтак компютери ва ҳоказо. Худди шунинг сингари .post ҳам шунчакки домен эмас — у почта ва унинг ресурслари савдо ва алоқа рақамли дунёсига интеграциялашувига хизмат қилувчи келажак платформасидир.

Асрлар давомида почта савдо соҳасида етакчи рол ўйнаб келган. Бугунга келиб эса моддий дунё ва рақамли техника оламида боғлаш орқали .post домени бу вазифани ўз зиммасига олиши мумкин. Бунинг учун эса шахсни аниқлашни бошқариш, электрон дўконлар, электрон тўловлар, электрон бланклар, ҳимояланган почта қутилари, манзилларни бошқариш, гибрид ва реклама почталари ва бошқа кўплаб дастурларнинг яхлит ечимини топиш даркор бўлади.

Ҳозирча БПининг бутун эътибори домени бошқариш принципларини ишлаб чиқишга қаратилган. Қондага кўра, домени почта ҳамжамиятининг муайян гуруҳи бошқаради. Булар орасида нафақат аъзо-мам-

лакатлар, шунингдек, худудий уюшмалар ва тайинланган операторлар бўлиши кўзда тутилган. Қолаверса, келгусида .post домени фойдаланувчилари сафини директ-маркетинг ва гибрид почта хизматлари ишлаб чиқарувчилари, логистика компаниялари, тўлов хизматлари таъминотчилари ва таълим муассасалари тўлдирishi мумкин.

### Хавфсизлик

Интернетнинг глобал тизим эканлиги ва унга киришнинг осонлиги, ўз-ўзидан, огоҳлик чораларини кўришга ундаши шубҳасиз. Гап авваломбор аутентификация ва фирибарлик мақсадлари таъминотчилари ва таълим муассасалари тўлдирishi мумкин.

Интернетнинг глобал тизим эканлиги ва унга киришнинг осонлиги, ўз-ўзидан, огоҳлик чораларини кўришга ундаши шубҳасиз. Гап авваломбор аутентификация ва фирибарлик мақсадлари таъминотчилари ва таълим муассасалари тўлдирishi мумкин.

### Очкми ёки ёпик?

Лекин ҳозирча асосий саволга жавоб берилгани йўқ: почта домени очик бўладими ёки ёпикми? Биринчидан, .postни фақат универсал хизматлар кўрсатувчи миллий операторлар эксклюзив фойдаланишлари учун

## ХИТОЙ

Хитой почтаси интернетда супермаркет очди ([www.11185.com.cn](http://www.11185.com.cn)). Бу ерда идиш-товоқдан тортиб маийш техникагача, кийим-кечакдан тортиб китобларгача — қирқ мингдан ортиқ турдаги нарса бор. Интернет супермаркетининг энг асосий афзаллиги — нархларининг арзонлиги. Қолаверса, мижозлар маҳсулотнинг сифатидан хавотирланмасалар ҳам бўлади. Негаки, таъминотчиларни танлашда Хитой почтаси жуда катта талаб қўймоқда. Шунингдек, янги портал орқали коммунал тўловларни амалга ошириш, интернет ва кабел ТВ хизмат ҳақини тўлаш мумкин. Тўловлар барча шаклда амалга оширилади.

ёпиқ худудга айлантириш мумкин. Иккинчидан, доменидан ҳамма — почта ҳамжамиятининг барча қонуний қатнашчилари, жумладан, хизматлар кўрсатишга лицензияси бор компаниялар ва ҳар хил ишлаб чиқарувчилар бирдай фойдаланишлари шарт деган фикрлар ҳам бор.

Британияликларнинг фикрича, доменидан почта ҳамжамиятида қанчалик кенг доирада фойдаланилса унинг муваффақияти таъминланади. Бу орқали ўзаро тажриба алмашилиб, илгор инновациялар ўзлаштирилади.

Бутунжаҳон почта иттифоқи .post домени фаолияти учун маъсул ташкилот. БПИ айни пайтда номларни рўйхатдан ўтказиш қойдалари ва .post-ҳамиятига қўшилиш истагидаги ташкилотлар рўйхатини тузиш билан банд. Домен доирасида жаҳон почта хизматлари тақдим этаётган электрон шаклдаги хизматлари ҳиссасини янада оширишлари кутиляпти.

Бугунги кунда дунё бўйича 270та атрофида юқори даражадаги домен мавжуд. Уларнинг бири БПИга тегишли бўлиб, интернетдан фойдаланувчилар орасида кенг танилиш имкониятини беради, ҳар бир киши клавишда .post сўзини терса ишончли сайтга киришига шубҳа қилмайди. Янги домен ишга туширилгунга қадар миллий почта операторлари интернетдаги фаолиятларини кенгайтиришда давом этишади.

# Талабалар амалиётда

Талабанинг ўзи танлаган сохани кай даражада мукамал эгаллаши унинг ишлаб чиқариш амалиётини каерда, кимнинг қўлида, кай шароитда ўташига кўп жихатдан боғлиқ. Шунинг хисобга олган алоқа соҳаси корхоналари ТАТУ талабаларининг ишлаб чиқариш амалиётини мукамал ўташлари учун етарли шароит яратиб беришга ҳаракат қилишмоқда, шу йўл билан билимли, иктидорли мутахассислар тайёрланишига замин яратишмоқда.

"Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси ҳам ТАТУ талабалари учун эшикларини кенг очиб қўйган. Улар бу ерда бўлиб, иш жараёни билан яқиндан танишяптилар, билмаганларини компаниянинг тажрибали мутахассисларидан ўрганишди.

Яқинда ТАТУнинг иқтисод ва бошқарув факультетидан "Иқтисод" кафедраси мудири Татьяна Буткеева ҳамда "Менеджмент ва маркетинг" кафедраси мудири Шерзод Турсунов бошчилигидаги талабалар "Матбуот тарқатувчи" АКда бўлишиб, компания мутахассислари билан

учрашди. Учрашув давомида талабаларга компания ходимларига юклатилган асосий вазифалар нимадан иборатлиги ва унинг тузилмаси қандай шакллантирилганлиги хусусида атрофлича тушунтиришлар берилди. Сўзга чиққан компания раҳбарлари ва университетдан таклиф этилган вакиллар бугунги кунда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кадрлар сибёсати амалга оширилишининг асосий мақсад ва вазифалари моҳияти ҳақида сўз юритдилар.

Учрашув якунида талабалар даврий матбуот тарқатишни ташкил этиш

бўйича компания бўлиmlарида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишишди.

— Ўқиб даврида олган назарий билиmlарни иш жараёнида қўллаш жуда мароқли, — дейди иқтисод ва бошқарув факультети 4-босқич талабаси Дилмурод Камолов. — Шу вақтгача "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси ходимлари зиммасидаги вазифалар нималардан иборат эканлиги ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмасдим. Бу ерда иш қизиқарли экан. Мен навбатдаги амалиётимни шу ерда ўташга қарор қилдим.

Факультет талабаларидан Шукур Сулаймонов, Муниса Мадатова, Умид Жўраевлар ҳам шу каби фикрларни билдиришди.

Компания бош директори Сувон Нажбидинов катта ҳаёт бўсағасида турган ёшларга ютуқлар тилади ҳамда компания эшикларини улар учун доимо очиқлигини айтиди.

Муборак МИРКАМОЛОВА

## TAKLIF



# Мониторнинг янги дизайнлари бўйича лойиҳа

Компютер монитори (дисплей) экранга матнли ва график ахборотни чиқаришга мўлжалланган. Мониторлар монохром ёки рангли бўлиб, матнли ҳамда график ҳолатларда ишлаши мумкин. Матн ҳолатида монитор экранни шартли равишда алоҳида белги ўринларига (кўпинча 80та белгили 25та сатрга) бўлинади. Ҳар бир ўринга 256та белгидан бири киритилиши мумкин. Бу белгилар қаторига катта ва кичик лотин алифбоси ҳарфлари, рақамлар, тиниш белгилари, псевдографик рамзлар ва бошқалар кирилади. Рангли матнларда ҳар бир белги ўринга ўзининг ва фоннинг ранги мос келиши мумкин. Бу эса чиройли рангли ёзувларни экранга чиқариш имконини беради. Г р а ф и к ҳолат экранга графиклар, расмлар ва бошқаларни чиқаришга мўлжалланган. Бу ҳолатда ахборотларни турли ёзувли матнлар шаклида ҳам чиқарса бўлади. Ёзувлар

ихтиёрли шрифт, ўлчам, интервал ва бошқаларга эга бўлиши мумкин.

Мен ўзимнинг гоғларимдан келиб чиққан ҳолда мониторнинг янги дизайн кўринишларини таклиф этмоқчиман. Мониторлар асосан тўртбурчак шакли, ўзига хос дизайн кўринишида. Бир хилликдан зериккиш ранг-барангликка, янгилликка интилишга ундайди. Монитор ташқи кўринишининг чиройли, ўзига тортиб турувчи дизайнга эга бўлиши ҳам фойдаланувчининг асосий эътиборини тортади.

Феруза ОЧИЛОВА,  
ТАТУ Қарши филиали  
4-босқич талабаси



Юкори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш бевосита таълим муассасаларининг моддий-техник ва ахборот базасини мустаҳкамлаш, ўқув адабиётлари, дарсликлар, электрон ўқув қўлланмалар ва маъруза матнларини яратиш, электрон кутубхоналар ташкил этиш билан боғлиқ. Замонавий билимлар сари кенг йўл очиш, таълим тизимини такомиллаштиришда янги ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш хозирги куннинг талабига айланди.

## Педагоглар АКТдан фойдаланишади

Бугунги баркамол авлодни тарбиялашда қайси мутахассисликдан қатъи назар ўз фаолият доирасида информатика бўйича кенг қўламдаги билиmlарга, замонавий ҳисоблаш техникаси, информацион алоқа ва коммуникация тизимлари, ортехника воситалари ва улардан фойдаланиш борасида етарли малакага эга бўлиш ҳамда янги ахборот техника ва технологияси асосларини, унинг эртанги кунни, ривожни тўғрисидаги билиmlарни ўзида мужассамлаштирган бўлиши лозим. Замонавий ҳисоблаш техникалари ва ахборот технологияларининг кун сайин ривожланиб, жамиятнинг барча қатламларига тобора мослашиб, сингиб бораётгани ҳар биримиздан АКТни мукамал билишимизни талаб этмоқда.

Яқинда К.Убайдуллаев номидаги республика педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар жамоаси физика, кимё, биология ва ўзбек тили фани ўқитувчиларига 6 кунлик 36 соатга мўлжалланган АКТ ёрдамида фанларни ўқитиш, тренинглар тайёрлашни ўқитишди. Унга республикадаги Амударё, Тўртқўл, Беруний ва Нукус шаҳар халқ таълим бўлимига қарашли юкорида номлари зикр этилган фанлардан 80 нафар ўқитувчи қатнашиб, ўз фанлари бўйича АКТдан фойдаланиш тренинги гувоҳномага эга бўлдилар. Эндиликда улар компютер ёрдамида Word, Excel, Power Point, Flash, интернетдан дарс жараёнида бемалол фойдалана оладилар.

Дарҳақиқат, бугунги замон ёшлари ўта талабчан, турли нарсаларга қизиқувчан, телевидение, матбуот, компютер орқали кўп маълумотларга эга бўлишни исташади. Шунинг учун ўқитувчи дарсга жиддий тайёрланиб, ҳар бир дарсни ноанъанавий усулларда ташкил этиши лозим. Ўқитувчи шундай маҳоратли бўлиши керакки, энг "индямас" ўқувчи ҳам ўз-ўзи билан дарсга қўшилиб, фаол қатнашиб кетсин. Бунинг учун эса ўқитувчиларимиз ҳар бир дарсида турли услублардан фойдаланиб, кўпроқ ўқувчини дарсга фаол қатнаштирсин, ахборот-коммуникация технологияларидан моҳирлик билан фойдалана олса, кўзланган мақсадга эришиши шубҳасиз.

Ҳали яна икки курс педагогларни АКТ ёрдамида ўқитиш давом этади. Тренинглик гувоҳномага эга бўлган ўқитувчиларимиз эса ўз мактабларида фани юзасидан ўқув семинарлари олиб боришади. Мақсад битта — АКТ силрларини пухта эгаллаш, улар ёрдамида фарзандларимизни тарбиялашди.

Искромбек ХОЛМУРОДОВ  
Қорақалогистон Республикаси

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УҒҚЛАРИ

Тошкент ахборот технологиялари университетининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари университетнинг Нукус, Урганч, Қарши, Самарқанд ва Фарғона филиалларида ўқув машғулотлари олиб боришмоқда.

Жумладан, Қарши филиалида университетнинг "Телекоммуникация узатиш тизимлари" кафедраси катта ўқитувчиси Р.Камолдинов, "Радиоалоқа ва радиотехника" кафедраси мудири, техника фанлари номзоди доцент И.Фозилжонновлар филиалнинг «Касб таълими ва телекоммуникация» кафедраси ҳамкорлигида алоқа линиялари, электр алоқа назарияси фанларидан машғулотлар олиб боришяпти.

Кейинги ҳафтада университет профессор-ўқитувчилари филиал талабаларига маълумотлар тузилмаси ва алгоритмлар, телекоммуникация тизимлари ва тармоқлари, коммутация тизимлари фанидан машғулотлар олиб борадилар.

Университет ректори Ҳ.Муҳиддинов яқинда филиалда бўлиб, ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, вилоятда фаолият олиб бораётган корхона ва ташкилотларнинг малакали мутахассислари иштирокида машғулотларни янада яхшироқ йўлга қўйиш, соҳа фанларини ўқитишда малакали мутахассисларнинг эртанги кун мутахассислари учун нақадар муҳим омил эканлигини таъкидлаб ўтган эди. Ана шу келишувга асосан университет профессор-ўқитувчиларининг филиал профессор-ўқитувчилари ҳамкорлигида машғулотлар олиб боришлари талабалар билим ва касбий таълим маҳоратларини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Насиба ҚАЮМОВА,  
ТАТУ Қарши филиали кафедраси мудири



# Мақсад — сифатли хизмат

Ахборотнинг ҳаётимиздаги самарали таъсири кун сайин ошиб борапти. Ахборот асри ахборот-коммуникация технологияларидан хабардор, юксак интеллектуал жараёнларни бошқара оладиган зукко кадрларни талаб этмоқда. Чунки, бозордаги устунлик кўп жихатдан корхонадаги ходимларнинг ахборот технологиялари бўйича қай даражада билимдонлигига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Уларнинг маълумоти ва касбий даражаси, компьютер технологиясини бошқариш сифати, дастурий маҳсулотлар ҳақидаги билим савияси корхона фаолиятида акс этади. Ходимлар энг янги ахборот технологияларини, автоматлаштирилган тизимларни жорий этиб, улардан тўғри ва саводли фойдалана олиши ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади.

Қисқаси, бугун ҳаётга кириб келаётган ёшларда ана шу сифатларни камол топиришга интилиш кучайди. «Фаргона Телеком» филиали ҳам вилоятда замонавий ахборот жамиятини шакллантириш учун замин яратишга хизмат қилмоқда. Филиал фаолияти ахборот иқтисодиётини яратиш, фуқароларнинг ахборотдан эркин фойдаланишини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш учун зарур шарт-шароитларни шакллантиришга йўналтирилган.

Фаргона вилоятида ҳозирги кунда 122та АТС мавжуд, рақамлиси 74тани ташкил этади. 141 километрли оптик толали ва рақамли радиорелели линия ётқизибли, юқори тезликдаги каналлар ташкил этилиши мобил алоқанинг ривожланишига олиб келди. Вилоят шаҳар ва туман-

лари рақамли тармоқлар билан тўла қамраб олинган. Икки юзга яқин мамлакатларга чиқадиган тўғридан-тўғри халқаро каналларга эга.

Тошкент-Қўқон йўналиши бўйича рақамли радиорелели линия кенгайтирилди, усуналар монтаж қилинди ва шу туфайли Тошкент-Фаргона водийси йўналишида линиянинг ишончилиги ошди.

Филиал турғун ва мобил, шаҳарлараро ва халқаро операторлар ҳамда интернет провайдерлар учун каналларни ижарага бериш, товушли алоқа ва маълумотларни узатиш хизматлари, интернет тармоғи, видеоконференсалоқа каби қатор хизматлар кўрсатиб келмоқда. Ҳокимликларга телекоммуникация хизматлари етказиб берилмоқда.

ADSL ва DSLAM технологияси асосида юқори тезликдаги ва интер-

нет хизматларини тақдим этишда диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. Тизимда интернетдан фойдаланувчилар сони ҳам кундан-кунга кўпаймоқда. Бу хизматдан олинган даромад ўтган 10 ой давомида 446,5 млн. сўмдан зиёдни ташкил этди. Шунингдек, «Ўзбектелеком» АКнинг филиалларида «Ўзбектелеком Мобайл» филиалларига хизмат кўрсатишни ташкил этиш ҳақидаги буйруқ чиққанидан сўнг вилоятнинг айрим ҳудудларида CDMA-450 тармоғи орқали телекоммуникация хизматлари кўрсатишни ривожлантиришга киришилди.

— Шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида симли алоқа етиб бормаган жойларга 800тадан кўпроқ «UzMobile» стационар телефонлари ўрнатилди. 2011 йилдан бошлаб аналогли станцияларни ёпиб, «UzMobile» стационар телефонларидан фойдаланишни таклиф этишни кўзда тутяпмиз, — дейди филиал ишлаб чиқариш ва техника бўлими бошлиғи Элвира Отазонова. — Бу борада Қўқон ва Марғилон шаҳарларида, Бағдод туманида катта ишлар қилинди. Ҳали зиммамизда жуда кўп масъулиятли вазифалар турибди.

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги, янада юксак босқичга

кўтариш мақсадида кириб келаётган 2011 йилни Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиб, «Замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникациялар, интернетни нафақат мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрларида, балки ҳар бир оилада жорий қилиш ҳаракатлари тобора кучайиб бормоқда», — дея биз — соҳа мутахассисларига беҳад улкан масъулият юклди. Шу боис айни кунларда бошлаган ишларимизни янада жонлантирдик. Бу ишларда филиалдан Акмалжон Миллажонов, Саидбек Ўринбоев, Расулжон Ҳожийўлдошев, марғилонликлардан Отабек Хўжамбердиев, Шавкатжон Холиқов, Хумора Мадрохимова, қўқонликлардан Ҳакимжон Акбаров, Акмалжон Қўзйибоев, Дилмурод Йўлдошев, бағдолликлардан Маъруфжон Абдулқосимов, Жўрақўзи Йўлдошев, Алижон Аҳмадалиев каби ишчи ходимлар «UzMobile» стационар телефонлари тартибидан ва ўрнатилган намуна кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг иш фаолиятидан филиал раҳбарияти жуда мамнун. Асло кам бўлишмасин. Бинобарин улар одамлар яшаш сифатини оширишдек эзгу ният йўлида тер тўкмоқдалар.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,  
«Xabar»нинг

Фаргона вилоятидаги мухбири

## Муҳим қўлланма

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигини «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Навоий филиали жамоаси кўтаринки руҳда кутиб олди.

Жамоа раҳбарининг биринчи ўринбосари Х.Ҳамдамова алоқа ходимларини ушбу тантана билан қутлади.

Тадбирда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси қўшма йиғилишида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасида илгари сурилган фикр-мулоҳазалар, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида филиал ҳуқуқшуноси Баҳриддин Ҳамроев батафсил тушунтириш берди. Маърузада ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги асосий тамойилларга алоҳида урғу берилди. Бу ҳужжат барча учун муҳим қўлланма бўлди. Маърузадан келиб чиқадиган вазифалар ижроси юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Филиал ва барча шаҳар, туман почта алоқаси тармоқлари ишчи-ходимлари иштирок этган тантанали тадбирда корхона фахрийлари ва соҳа фидоийларига эҳтиром кўрсатилди.

Бу тадбир меҳнат жамоасини йилни барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли яқунлашга ундаши, шубҳасиз.

Маруся ҲОСИЛОВА,  
«Xabar»нинг

Навоий вилоятидаги мухбири



Кейинги пайтда Сурхондарё вилояти бўйича йўл-транспорт ҳодисалари анча камайди. Бу, албатта, ҳаракат хавфсизлигидан кўзланган амалий чора-тадбирлар, олиб борилаётган тарғибот ишлари ҳамда назоратнинг кучайтирилаётгани натижасидир.

Жорий йилнинг 1 ноябр кундан эътиборан, вилоят ҳудудида «Крис П» русумли фоторалар комплексидан фойдаланила бошланди. Энг муҳими, у барча турдаги транспорт воситаларининг тезлигини автоматик тарзда кузатиш мўлжалланган тезкор техник восита ҳисобланади. Содир этилган йўл ҳаракати қондабузарлиги дарҳол фотофиксация қилинмоқда. Олинган фотосурат

## Фоторадар фойдаси

ҳамда маълумот ўз вақтида мобил постга етказиб берилади. Эътиборлиси, қондани бузган ҳайдовчи ҳаракат хавфсизлиги ҳодими ишорасига амал қилмаган ҳолда ҳам кўрсатган ҳийласи билан узоққа боролмайди. Гап шундаки, компьютер хотирасида сақланиб қолган бу ахборот вақти келиб йўл қўйилган хатони асослаб беришга хизмат қилади.

Фоторадарнинг яна бир хусусияти шундаки, автоматини ҳайдовчисини нопок йўлдан асрайди. Энди у аввалгидек йўл ҳаракати хавфсизлиги вакили билан келишиб кетишга уриниб кўролмайди. Чунки мобил постга етказиб берилган ва компьютер хотирасида сақланган ахборот фақат ҳақиқатдан «сўзлайди».

— Ўтган ой мобайнида вилоятимиз автомобил йўлларида транспорт ҳодисасининг кескин камайганлиги кузатилди, — дейди Сурхондарё вилояти

ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси бошлиғи вазифасини бажарувчи подполковник Баҳодир Хўшбоқов. — Бизнинг ҳам соҳамизга кириб келган ахборот-коммуникация технологиялари шундай самарадорлиқни таъминлади. Йўлга фоторадар қўйилганидан хабардор ҳайдовчи борки, машинани ҳушёр бошқаришга интиломоқда. Айрим қондабузарлар эса ўз вақтида «инсоф»га қақдирилмоқда.

Ҳар бир киши йўлга яхши ният билан чиқали. Агар йўл қондаси — умр фойдаси эканлиги унутилмаса, ҳеч қандай хавф рўпара келмайди. Уйлаймиз-ки, бу борада Сурхондарёнинг автомобил йўлларида қўйилган фоторадар хизмати яққол билиниб туради.

Нортожи ЗИЁЕВ,  
«Xabar»нинг

Сурхондарё вилоятидаги мухбири

## Эътибор

Сўх туманида телекоммуникация ҳамда телевидение соҳаси кенг ривожланиб боришига эътибор йил сайин яхшиланиб борапти.

— Мана 19 йилдан бери тоғолди туманимиз аҳолиси бошқа телеканаллар қатори ўзимизнинг Сўх маҳаллий телевидениеси кўрсатувларини ҳам кўриб бориш имкониятига эга, — дейди студия бош муҳаррири, «Олтин қалам» совриндори Фарҳоджон Миршарипов. — Биз Ўзбекистон ҳамда вилоят миллий телерадиокомпанияси раҳбариятидан улар кўрсатаётган амалий ёрдам учун беҳад миннатдоримиз. Сабаби, студиямиз хоналари дид билан жиҳозланди. Замонавий тезкор алоқа воситалари, монтаж компьютерлари, тасвирга олиш камералари, иккита ТВ автомашинаси билан таъминландик. Дастурларимиз ҳафтанинг сешанба, чоршанба, пайшанба,

шанба кунлари «Фаргона» канали орқали эфирга узатиб бориляпти.

«Ҳафтаном», «Ахбор», «Инсон ва Қонун», «Юзмаюз», «Давра суҳбати», «Орамиздаги одамлар», «Бизга мактуб йўллабсиз», «Истиқлол фарзандлари» каби рухлар орқали, шунингдек, Баркамол авлод йили муносабати билан ўқув, мактабгача таълим муассасаларидан тайёрлаб берилаётган кўрсатувлар ҳам томошабинларга манзур бўлмоқда.

Студияда ўз касбининг устаси бўлган ижодкорлар кўп. Анварбек Жўраев, Баҳронбек Ўрунов, Акмалжон Собиров, Илҳом Тоҳиров, Жаҳонгир Собиров, Додоулжа Ҳомидов, Зумралбону Эрқаевалар шулар жумласидандир.

Аскарбек АНБАРЖОНОВ



# Иқбол Америкада бўлди

Америка Қўшма Штатлари Давлат Департаменти ва "Меридиан" Халқаро маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ўзига хос нуфузли бир тadbирдан Ибн Сино номидаги Бухоро вилояти ахборот-кутубхона маркази ахборот технологиялари бўлими мудири Иқбол Саидова она шахрига бир олам таассуротлар билан қайтди. Америка сафари, ҳеч шубҳасиз, оддий бир бухоролик кизнинг дунёкараши-ю интеллектуал салоҳиятини яна бир неча бараварга кенгайтиргани ўз-ўзидан аён.

Иқболнинг америкалик ҳамкасблари ва тенгқурлари билан ўзаро тажриба алмашгани, билмаганларини сўраб олгани, билганларини эса уларга кунт билан ўргатгани, баҳонада бир талай дўстлар орттиргани ҳам рост. Сафар давомида — уч ҳафталик дастурга киритилган тadbирлар шу қалар қизиқарли эдики, уларнинг ҳаммаси ҳақида бирданига сўзлаб бериш мушкул, албатта. Шу боис, Иқболдан энг эса қоларли ва аҳамияти жиҳатидан устувор бўлган тadbирлар хусусида гапириб беришни илтимос қилганимизда у бажонидил рози бўлди.

— Юрган дарё, дейишларича бор экан, — дейди Иқбол. — Жаҳонгашта ўзбек кизлари ҳақида кўп эшитганман. Улар орасида спорт мусобақалари совриндорлари ҳам, миллий санъатимизнинг навқирон тарғиботчилари-ю намояндалари ҳам бор. "Ўзбегим ёшлари" ансамблининг хориждаги чиқишларини телевизорда кўрганимда, "Кизлар давраси" иштирокчиларининг бир қатор чет мамлакатларига сафарларини эшитганимда уларга ҳавас билан боққан эдим. Қарангки, Баркамол авлод йили деб эълон қилинган кутлуг йилда менга ҳам ана шундай бахт nasib этди.

Ҳа, Америка сафари чоғида Иқбол Саидова ва унинг ўзбекистонлик ҳамроҳлари ушбу мамлакатнинг кутубхона ташкилотлари, турли жамғармалар фаолияти билан боғлиқ бир қатор давра суҳбатларида, соҳа ходимлари билан юзма-юз мулоқотларда иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар. АҚШ Конгресси кутубхо-

насида ўтказилган самимий суҳбатлари олинган таассуротларни-ку айтиб ўтирмаса ҳам бўлади.

— Вашингтон, Филадельфия, Сан-Диего, Сиэтл, Чикаго шаҳарларидаги зиё масканлари ҳам бой китоб фондига эга эканлиги билан ажралиб турар экан, — дея суҳбатни давом эттиради Иқбол. — Барча кутубхоналар автоматлаштирилган бўлиб, электрон каталоглар тузиб чиқилган. Онлайн тартибдаги каталоглар ишлаб турибди.

АҚШ кутубхоналари иш фаолиятидаги яна бир муҳим жиҳатини ҳам шу ўринда таъкидлаш жоиз. Америка китобхоналарининг Ўзбекистон бой маданий мероси, адабиёти ва санъатига бўлган чуқур ҳурмати сон-саноксиз кутубхона жавонларидан ўрин олган ўзбек ва рус тилларидаги адабиётларни мутлола қилишга бўлган кучли бир интилишдан ҳам билиб олса бўлади. Айниқса, ўзбек адабларининг асарларига бўлган эҳтиёж қанчалик катта. Барча кутубхоналарда, шунингдек, инглиз тилини ўрганиш бўйича бепул дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, улардан истаган киши бемалол фойдаланиши мумкин. АҚШ Конгресси кутубхонасида эса ҳозирги пайтда шарқшуносликка оид маълумотлар базасини яратиш устида жиддий иш олиб бориляпти. Ушбу базада республикамиздаги кўплаб тарихий ва маданий ёдгорликлар ҳақида батафсил маълумот ва уларнинг расмлари жойлаштирилган бўлиб, бу ҳам, ўз навбатида, мамлакатимиз ва унинг ўтмиши, бугуни, келажаги билан яқиндан танишиш истагида

бўлган турли ёшдаги ва касбдаги америкаликлар учун катта қизиқиш уйғотиши турган гап.

АҚШ Конгресси кутубхонасида, бундан ташқари, мавжуд фотосуратлардан нусха олиш ҳам бепул бўлиб, бу ҳам мухлислар учун яратиб берилган чексиз имкониятлардан биридир.

Бой китоб фонди сақланганидан кутубхоналарда фаолият олиб борувчи волонтерлар ёрдамида эса меҳмонлар зиё масканлари бўйлаб уюштириладиган саёҳатларда иштирок этишлари, ўз билим ва таассуротларини янада оширишлари мумкин. Кутубхонага аъзо бўлган мухлислар волонтерлар ташкилотчилигида ўтказиб келинаётган турли бир-биридан қизиқарли ва муҳим мавзулардаги тadbирларда бевосита иштирок этиб, мамнуният ҳосил қилмоқдалар.

— Шерият мулкнинг султони Алишер Навоий ижодига бағишлаб Америка Конгресси кутубхонасида ташкил этилган симпозиумда қатнашар эканман, — дейди Иқбол Саидова, — қалбимни беихтиёр фахрифихор туйғулари қамраб олди. Буюк бобокалонимизнинг шеъри фазаляри, ўлмас достонлари бутун дунё бўйлаб янграб турганининг ўзи бу умрбоқий шеърият турли миллат ва элат вакиллари қалбини сўнамас куёш янглир абадул абад ёритиб, инсонларни ҳамжиҳатликка, дўстликка унлаб туришидан далолат беради. Симпозиум давомида ўтмишда ижод этган классик ёзувчиларимиз асарлари ҳамда ҳозирги ўзбек адабиёти вакиллари хусусида илиқ сўзлар айтилди. Энг сара асарлардан намуналар, пар-

чалар ўқилди. Симпозиум охирида эса Конгресс кутубхонасига Абдулла Қодирий ва Чўлпон, Навоий ва Ойбек сингари ўзбек шоир ва ёзувчиларининг 1000дан ортиқ китоблари тўхта этилди. Бу маълум маънода Ўзбекистон Фанлар академияси билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар самараси ҳамдир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда Конгресс кутубхонаси сайтида 16 миллионга китоб жамулжам бўлиб, улкан маълумотлар базаси, кўплаб фотосуратлар ҳамда Туркистон албому деб ном олган ноёб манба ҳам мавжуд.

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси таклифи ҳамда Америка кутубхоналарининг халқаро визитёрлар дастурига мувофиқ мазкур ривожланган давлатда бўлиб қайтган республикамиздаги бир қатор ахборот-кутубхона марказларининг ходимлари, шу жумладан, Иқбол Саидова ҳам юқориди тилга олиб ўтилган тadbирларда фаол иштирок этиб, ўз тажриба ва малакаларини оширдилар. Бундан ташқари, улар мактаблар ва университетларда, кўзи оғизлар учун ташкил этилган муסיқа-санъат кутубхоналарида ҳам бўлиб қайтишди. Уқув муассасаларидаги педагогик иш жараёни билан яқиндан танишдилар.

Американинг қишлоқ жойларидаги учрашувлар ҳам ҳамюртларимизда алоҳида таассурот қолдирди. Кўча кутубхоналар иши уларда кучли қизиқиш уйғотди. Чоғроққина микробус ва букмобиллардан одатда қишлоқ кутубхоналарига хизмат кўрсатишда фойдаланилар экан. Чикаго шаҳрида Шаҳар кутубхоналари кенгаши аъзолари билан ўтказилган самимий мулоқотлар ҳам ўзбекистонлик кутубхоначилар хотирасида бир умрга муҳрланиб қоладиган бўлди.

Асатилло ҚУДРАТОВ,  
журналист,  
Асқар ИСТАМОВ,  
"Хабар"нинг  
Бухоро вилоятидаги мухбири

**Сўровнома**

1. "Хабар" газетасини неча йилдан буюн ўқийсиз?  
2. Газетада чоп этилаётган қайси мавзудаги мақолалар сизни кўпроқ кизиктиради?  
3. Газета кўлингизга ўз вақтида етиб бораётими?  
4. Газетанинг янада мазмунли бўлиши учун қандай таклиф ва мулоҳазаларингиз бор?

Фикр-мулоҳазаларингизни қуйидаги телефон рақамлари ва электрон почта орқали ҳам билдиришингиз мумкин.

Электрон почта: info@xabar.uz  
Тел. 288-40-69  
Тел. (факс) 288-40-72

## "БИЛАЙН" ЎЗБЕКИСТОННИНГ 12та МИНТАКАСИДА РЕСПУБЛИКА РАҚАМЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛМОҚДА

"Билайн" Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятидан ташқари Ўзбекистоннинг барча вилоятларида республика рақамлари жорий қилинганлиги ҳақида хабар беради.

Янги префиксларга +99891 тармоқ коди берилди, мобил телефонлардан мазкур рақамларга кўнғироқ қилинганда код ва рақамни тўлиқ териш керак. Шаҳар телефонларидан эса алоқа 8-591 уланиш коди ёки 8-10-99891 орқали шаҳарлараро алоқага чиқиш йўли билан амалга оширилади.

Минтақалар учун республика рақамлари префикслари рўйхати:

1. 100 0000 — 104 9999 (Сирдарё вилояти);
2. 105 0000 — 131 9999, 138 0000 — 159 9999 (Фарғона вилояти);
3. 160 0000 — 161 9999, 167 0000 — 176 9999 (Андижон вилояти);
4. 177 0000 — 186 9999, 280 0000 — 281 9999 (Наманган вилояти);
5. 187 0000 — 187 9999 (Самарқанд вилояти);
6. 188 0000 — 189 9999, 193 0000 — 199 9999, 207 0000 — 209 9999 (Жиззах вилояти);
7. 210 0000 — 227 9999 (Қашқадарё вилояти);
8. 228 0000 — 239 9999 (Сурхондарё вилояти);
9. 240 0000 — 247 9999 (Бухоро вилояти);
10. 248 0000 — 254 9999 (Навоий вилояти);
11. 255 0000 — 256 9999, 258 0000 — 261 9999, 264 0000 — 274 9999 (Қорақалпоғистон);
12. 275 0000 — 279 9999 (Хоразм вилояти).

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси Агентлик котибаси Нозира Аҳмедовага қайночаси  
Абдулла ИСМАТОВнинг  
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали ҳамда қасаба уюшмаси кўмитаси жамоалари Муелон почта алоқаси тармоғи ПХХ техниги  
Мажидхон БОБОЕВнинг  
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

## ФИФА РЕЙТИНГИ: 109-ПОФОНАГА ТУШДИК

Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (ФИФА) 2010 йилнинг энг сўнгги рейтингини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон терма жамоаси ўтган ойдаги қараганда уч поғона пастга тушиб, 109-поғонага жойлашди. Терма жамоамизнинг очколари сони 28тага камайган ва ҳозирги кунга келиб, балларимиз бор-йўғи 275тани ташкил қилмоқда (бир пайтларда балларимиз 600 дан ошиб кетганди).

ОФКга аъзо давлатлар орасида Ўзбекистон 15-ўринга тушиб кетди (ўтган ойда 13-ўринда эди). Сурия ва КХДР терма жамоалари биздан

ўтиб кетишди. Осиё кубогидаги гуруҳдошларимиз — Қатар 114, Кувайт 102, Хитой 87-ўринни эгаллаб туришибди. Австралия (26), Япония (29) ва Жанубий Корея (40) термалари эса Осиё жамоалари ичида юқори ўринларда боришмоқда.

ФИФА рейтингини амалдаги жаҳон ва Европа чемпиони — Испания терма жамоаси бошқариб бормоқда. Иккинчи ўринда ҳам ўзгариш йўқ — Голландия. Германия эса йил сўнгига келиб, Бразилияни қувиб ўтди ва 3-ўринга жойлашди. Бразилия тўртинчи ўринга тушиб қолди.

## “Ҳамдўстлик кубоги”: қуръа ташланди

Мазкур ҳафтада 2011 йилги “Ҳамдўстлик кубоги” турнирига қуръа ташланди. Унга кўра мамлакатимиз чемпиони “Бунёдкор” “В” гуруҳида Қозоғистон чемпиони — “Тобол”, Латвиянинг номдор клуби “Сконто” ҳамда Арманистон вице чемпиони — “Мика” билан баҳс олиб борадиган бўлди.

2011 йилги мусобақа 14-23 январь кунлари Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтади.

Гуруҳлар билан танишинг:

### “А” ГУРУҲИ

“Интер” (Боку, Озарбайжон)  
“Искра-Стал” (Рибница, Молдова)  
“Истиқлол” (Душанбе, Тожикистон)  
«Нефтчи» (Кўчқорота, Қирғизистон)

### “В” ГУРУҲИ

“Тобол” (Кустанай, Қозоғистон)  
“Сконто” (Рига, Латвия)  
“Мика” (Ереван, Арманистон)  
“Бунёдкор” (Тошкент, Ўзбекистон)

### “С” ГУРУҲИ

“Зенит” (Санкт-Петербург, Россия)  
“Небитчи” (Балқонобод, Туркманистон)  
“Шахтёр” (Солигорск, Беларус)  
“Флора” (Таллин, Эстония)

### “D” ГУРУҲИ

Россия ёшлар терма жамоаси  
“Динамо” (Киев, Украина)  
ХИК (Хелсинки, Финляндия)  
“Экранас” (Паневежис, Литва)



## Африка ва Европа тўқнашув

Бирлашган Араб Амирликларида клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати финалчилари номи маълум бўлди. Ушбу мусобақа тарихида ilk бор финалда Европа вакилларига қарши Африка жамоаси тўп суралди. Шу вақтгача финалда доим Европа ва Жанубий Америка вакиллари тўқнаш келишганди.

Клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати.

### Саралаш босқичи.

Ал-Ваҳда (БАА) — Хекари Юнайтед (Папуа-Янги Гвинея) — 3:0

### 1/4 финал

ТП Мазембе (Конго ДР) — Пачука (Мексика) — 1:0

Ал-Ваҳда (БАА) — Соннам Илва Чунма (Жанубий Корея) — 1:4

### 1/2 финал

ТП Мазембе (Конго ДР) — Интернационал (Бразилия) — 2:0

Соннам Илва Чунма (Жанубий Корея) — Интер (Италия) — 0:3

### Финал. 18 декабр.

ТП Мазембе (Конго ДР) — Интер (Италия)

## ЖЧ совринлари ўз эгаларига топширилди



Шу йилнинг эида Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида шахсий кўрсаткичлар бўйича энг яхши деб топилган футболчиларга совринлар топширилди.

Уругвай терма жамоаси ҳужумчиси Диего Форлан ЖЧнинг энг яхши футболчиси сифатида «Олтин тўп»ни қабул қилиб олди. Германия терма жамоаси ҳужумкор ярим ҳимоячиси Томас Мюллер эса «Олтин бутса»ни қўлга киритган бўлса, Испания терма жамоаси дарвозабони Икер Касильяс «Олтин қўлқоп»га эга чиқди.

## Алоқачилар шарафини ҳимоя қилиб

2-12 декабр кунлари Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат университети спорт саройида Конституциямизнинг 18 йиллигига бағишлаб спорт мусобақалари ўтказилди.

Мусобақаларда Қорақалпоғистондаги олий ўқув юртлири, “Прогресс” таълим маркази ҳамда ТАТУнинг Нукус филиали жамоалари иштирок этдилар.

Алоқачилар шарафини ҳимоя қилган Нукус фи-

лиали аъзолари бир қатор йўналишларда совринли ўринларни банд этишди. Жумладан, шахмат мусобақаларида эркаклар ўртасида Баҳодир Бегимов, аёллар ўртасида эса Гауҳар Собирова 2-ўринни эгаллашди. Шашка баҳсларида Замира Алдамуратова ҳам иккинчи бўлган бўлса, стол теннис мусобақасида Мехрибон Пирназарова худди шундай натижани қайд этди.

Н.РАЙМОВА

## ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТ МЕЗОНИ

Навий шахрида Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий кенгашининг ташаббуси билан Ўзбекистон экологик ҳаракати Навий худудий бўлинмаси ҳамда Навий вилоят ва шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида «Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш» мавзусида анжуман ўтказилди.

Анжуманда Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий кенгаши аъзолари ва вилоят бўлинмаси фаоллари, Навий шаҳар ҳокимлиги раҳбарлари, вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси экология ва соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият юритаётган нодавлат-нотижорат ташкилотлар раҳбарлари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Навий вилояти МАТМ илмий ходимлари, “Жонли табиат” биоэкологик маркази, “Атмосфера” ИТЛПИ раҳбарлари, халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутатлари, маҳалла оқсоқоллари, мактаб директорлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Талбирда Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий кенгаши аъзоси Т.Қамбаров, Навий шаҳар ҳокими Б.Жўраев, вилоят “Жонли табиат” биоэкологик маркази раҳбари И.Тагаев, “Атмосфера” ИТЛПИ раҳбари Б.Рўзиев, НКМК экология масалалари бўйича маъсул мутахассиси В.Грицуновлар ўз маърузаларида мавзуга доир муаммоларни ўртага ташладилар. Талбирда трансчегаравий экологик муаммоларга оид видеоролик намойиш этилди.

Шунингдек, иштирокчилар эътибори бугунги кунда мамлакатимиз худудига қўшни мамлакатларнинг ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти туфайли атмосфера ва сув ресурслари, ҳаттоки бизнинг худудимиз табиатига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатётганлигига қаратилди. Жумладан, маърузачилар ўз нутқларида худудда экологик мувозанатни сақлаш, Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё, Узун ва Денов туманларида экологик вазиятнинг аҳволи ва Тожикистон билан тузилган атроф-муҳитга кўрсатилаётган салбий таъсирни камайтириш ва унинг олдини олишга қаратилган битимнинг шу кунларда бажарилиши, Сурхондарё вилоятининг айрим худудларида Тожикистон алюмин заводидан чиқарилаётган зарарли моддаларнинг салбий таъсири туфайли аҳоли ва тирлик табиатда пайдо бўлаётган турли касалликлар барчани ташвишга солаётгани, Навий вилоятдан оқиб ўтувчи Зарафшон дарёси сувининг саҳи, кимёвий ва биологик таркиби ҳақида ҳамда бугунги кундаги Зарафшон дарёси экологик муҳофаза худудидagi тўқайзорлар ва уларнинг ҳайвонот оламидаги вазият ташвишли бир ҳолда эканлиги ва уларнинг олдини олиш учун ҳам биргаликда курашиш зарурлигини таъкидладилар

М.ҲОСИЛОВА



# Қашқар матикаси

ма Маҳдуми Аъзам авлоди бўлган қашқарлик Оффоқхўжа сўфининг (1625-1695) набирасидир.

Хитойдаги Цинлар сулоласи 1644 йилдан 1912 йилгача ҳукм суриб, атрофидаги ва қўшни давлатлардан Тибетда, Шарқий Туркистонда, Ҳиндихитойда босқинчилик юришларини қилган. Ипархон Қашқардаги октоғлик хўжа уруғларидан бўлган Хонхўжанинг рафиқаси эди, Хонхўжа ўз уруғ-аймоғи — уйғур ва туркий халқлар билан XVIII аср ўрталарида Цинлар сулоласидан бўлган Хитой империясига қарши Шарқий Туркистон озодлиги учун курашган. Мазкур курашларда Ипархон эри билан бир сафда урушда қатнашган. Жангларнинг бирида Хонхўжа оғир яраланиб, ҳалок бўлади. Ипархон асирга тушиб, Хитой императори Цянлун саройига олиб кетилади.

Уни 1760 йилда император хузурига келтиришди. Кексайган Цянлун асирга — қашқар маликасини кўриб, унинг табиий гўзаллиги ва беқиёс мафтункорлиги билан бир қаторда ундан таралётган мўъжизавий хушбўй ҳидга асир бўлиб қолади. Ўзга юртда

Ипархон Ватани Қашқарни кўмсаб, ўз ёрига вафодорлик қилиб, императорга рад жавобини беради ва ўйин-кулгунни унутади.

Император Цянлун қашқар гўзали қалбини эгаллаш учун ҳамма имкониятларини ишга солади — малика Ипархоннинг тураржойи атрофида Қашқар табиатини, манзарасини яратади ҳамда мачит қурдириб беради. Лекин Ипархон ўз халқига ва ёрига содиқ ҳолда 28 йил саройда яшайди ва 1788 йилда император ҳарамига кирмаслик учун ўз жонига қасд қилади. Императорнинг фармонига кўра 120 нафар хизматкор иштирокида унинг тобути Қашқарга иззату икром билан кузатилиб, бобоси Оффоқхўжа мақбараси (Ипархон мазорига дафн этилади).

Бугунги кунда уйғур халқи тимсолида Ипархон тарихда озодлик учун курашган, ўз халқига, ўз ёрига содиқ ва вафодор, доно ва жасур малика сифатида қадрланиб келинади. У ҳақида кўплаб афсона ва ривоятлар мавжуд.

Хусан ВОҲИД,  
алоқачи муҳандис

**BILIMINGIZNI SINAB KO'RING**

Транс-Осиё-Европа кабелли алоқа магистралининг узунлиги неча километрни ташкил этади?

## Атир ифори

- Атирни қоронғи жойда, хона ҳароратида сақлаш лозим. \*\*\*
- Пўкак ёпқичли атирларни йил давомида тугатишга ҳаракат қилинг. Унга қирадиган ҳаво таъсирида атирингиз ҳиди ўзгариб кетиши мумкин. \*\*\*
- Ифорли сувни пуркагичли идишларда узоқ йиллар қўласангиз бўлади. Бироқ бунинг учун сиз сақлаш қондасига қатъий риоя қилишингиз лозим. \*\*\*
- Ҳиди ўткир атирларни 1 йилдан 2 йилгача сақласа бўлади. Лекин уларнинг кўриниши ўзгариши мумкин.

## Шарбат ва мураббо сирлари

- Пўсти қалин мевалар (олхўри, шафтоли)нинг бир неча жойига чўп суқиб олсангиз, қайнатиш жараёнида шарбатни ўзига яхши тортади.
- Агар мураббонинг усти шакарланиб қолган бўлса, унга 1-2 тр. лимон кислотаси қўшсангиз, ўз ҳолига қайтади.
- Мураббонинг тайёрлигини билмоқчи бўлсангиз, устидаги плёнкасини ўртасига йиғиб шарбатидан ликопчага қуйсангиз, у тарқалиб кетмаслиги лозим.

## Шабриклаймиз!

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Кува почта алоқаси тармоғи ходими Абдуғани ҲАКИМОВни 60 ёши, Тошлоқ почта алоқаси тармоғи ходими Раҳматжон ҚАМБАРОВни 50 ёши билан чин юракдан табриклайди. Уларга мустақкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар фароғатини кўришликни тилайди.



## БРИЛЛИАНТЛИ СМАРТФОН

Apple корпорацияси томонидан ишлаб чиқарилган, бриллиантлар билан безатилган iPhone 4 смартфонни дунёдаги энг қиммат телефон деб топилди.

The Daily Mail газетасининг ёзишича, турли шаклдаги 500 дона бриллиант билан безатилган бу қурилма 25 млн. га баҳоланган. Газета берган маълумотга кўра, британиялик таниқли дизайнер Стюарт Хюкс австралиялик бизнесмен буюртмаси асосида корпуси пуштиранг олтиндан ясалган яна иккита ажойиб iPhone тайёрлаган.

## Машинада ҳам учаверамиз

Шу йилнинг охиридан АҚШда Tetraflugia компанияси Transition деб номланган самолёт ва автомобил гибридини ишлаб чиқаришни бошлайди.

Одатий автомобилга қанотлар ўрнатилган бу янги қурилма ўзидан енгил самолётни мужассамлаштирган.

Tetraflugia компанияси баҳоси 194 минг доллар турадиган Transitionдан йилига 500 дона ишлаб чиқармоқчи. Икки ўриндикли бу учар автомобил ҳавода соатига 185 километргача тезлаша олади ва 430 кило атрофида юк ташийди. Бундан ташқари, унга парашют жойлаштирилган. Автоучоқни бошқариш учун ҳайдовчилик ҳуқуқи билан бирга, учувчилик гувоҳномаси ҳам талаб қилинади.

Ишлаб чиқарувчилар бу машиналардан тижорий ва ҳарбий мақсадларда, ёнгини ўчириш ва чегараларни кўриқлашда, йўқолганларни қидиришда ва почта ташишда кенг фойдаланиш мумкинлигини таъкидлашмоқда.



У.ЙҮЛДОШЕВ тайёрлади

BU — QIZIQ!

|  |   |   |  |   |                             |                          |                              |                           |                            |                           |                            |                          |
|--|---|---|--|---|-----------------------------|--------------------------|------------------------------|---------------------------|----------------------------|---------------------------|----------------------------|--------------------------|
| <p><b>Xabar</b></p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир:<br/>Абдусайд КҮЧИМОВ</p> |   | <p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХҲҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАҲБИДИНОВ, Рустан ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Тижорий материал — 0<br/>Реклама матнларининг тўричилиги тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p> |  | <p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент,<br/>Бунёкор шоҳкўчаси, 8-уй.<br/>Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.<br/>Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.<br/>Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.<br/>Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.</p> |                             |                          |                              |                           |                            |                           |                            |                          |
| <p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>            | <p>Газета ҳафтанинг жума кунини чиқарди</p> | <p>“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.<br/>Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.</p>   | <p>G-1102 сонли буюртма. Офсет усулида босилди.<br/>Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Алади: 10151 нуска.</p> | <p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00.<br/>Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>  |                             |                          |                              |                           |                            |                           |                            |                          |
| <p>Видеот муҳбирлари:</p> <p>Андижонда 226-47-80 Бухорода 223-27-85</p>  |   | <p>Гулистонда 40-12-19</p>  | <p>Жиззахда 226-06-34</p>  | <p>Навоийда 225-91-10</p>   | <p>Наманганда 226-61-85</p> | <p>Нукусда 554-35-45</p> | <p>Самарқандда 233-61-81</p> | <p>Термизда 224-06-12</p> | <p>Тошкентда 288-40-66</p> | <p>Урганчда 226-37-16</p> | <p>Фарғонада 226-87-71</p> | <p>Қаршида 314-08-99</p> |